БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 233 (1237)
26 НОЯБРЬ ЧОРШАНБА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Азиз ўртоқлар! Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, шаҳарлик шонли ватанпарварлар! Ҳозирги пайтда энг асосий вазифа — пахтакорларнинг қаҳрамонона меҳнати билан етиштирилган бутун ҳосилнинг бир кўсагини ҳам қолдирмай далалардан тезроқ йиғиштириб олишдан иборат. Пахтадан юқори ҳосил тўплаш учун фидокорона олиб борилган курашда кўклам ва ёзда қандай қийинчиликлар бартараф этилганини бир эсга олингиз. Мўл ҳосил етиштирилди. Бу — Ватанга уч миллион тонна пахта бериш ҳақида республика меҳнаткашлари умумхалқ ваъдасини бажариш имкониятини беради. Бунга ҳамма ҳосилни сўнгги кўсагигача қолдирмай териб олиб, давлатга топширганимиздагина эришамиз.

Азиз ўртоқлар, биз сизларни ана шу катта умумхалқ вазифасини бажариш учун барча кучингизни сарфлашга чақирамиз.

(Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатидан).

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига пахта тайёрлаш суръатини кескин ошириш билан жавоб берайлик!

Йиғим-теримнинг якунловчи даври

Пахта йиғим-теримининг энг масъулиятли, ҳал қилувчи ва якунловчи даврида Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республикадаги барча колхозчиларга, совхоз ва РТС ишчиларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, шаҳарлар, ишчи посёлкалари, район марказларининг ишчи, хизматчиларига ва ўқувчи ёшларга Мурожаат қабул қилдилар. Бу Мурожаат газетамизнинг кечаги сонида эълон қилинди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети ўз Мурожаатларида КПСС XXI съезднинг чақирилиши муносабати билан бутун мамлакатда вужудга келган зўр сиёсий активликни ва буюк меҳнат кўтаринкилигини қайд қилиш билан бирга, республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг съездлди социалистик мусобақасида эришган муваффақиятларини ҳам кўрсатиб ўтдилар. Ўзбекистон давлатга дон, қоракўл тери, пилла, жун, сут, каноп ва тухум сотиш планларини муддатидан олдин бажарди. Давлатга ўтган йиллагига нисбатан 42 минг тонна дон, 34 минг центнер пилла, 25 минг центнер жун, 7 минг тонна сут, 8 минг тонна гўшт, 2 миллион 600 минг дона тухум, 24 минг тонна каноп кўп сотилди.

Республикамиз пахтакорлари бу йил она-Ватанга 3 миллион тонна «оқ олтин» етказиб беришдек улуғ ва шарафли вазифани ўз зиммаларига олганлар. Чунки пахта — ўзбек халқининг миллий ифтихори, ғурури ва улуғ рус халқи ҳамда бошқа қардош халқлар билан абадий дўстлигининг моддий ифодасидир. Мамлакатни пахта билан таъминлаш эса Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлган Ўзбекистон меҳнаткашларининг интернационал бурчидир.

Республикамиз пахтакорлари 3 миллион тонна ҳисобидан 25 ноябргача давлатга 2 миллион 750 минг тонна пахта топширишлар. Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети ўз Мурожаатларида бу пахтани тайёрлашда колхозчилар, совхоз ишчилари ва механизаторларнинг фидокорона меҳнат қилганликларини, шунингдек шаҳарлар, ишчи посёлкалари ва район марказларининг ўн минглаб ишчилари, хизматчилари, студентлари ва мактаб ўқувчилари республиканинг пахтачилик соҳасидаги юксак мажбуриятини бажаришда пахтакорларга катта ёрдам бераётганликларини қониқиш билан таъкидлайдилар.

«Азиз ўртоқлар! — дейилади бу Мурожаатда, — яна 250 минг тонна пахта териб топширишимиз керак. Умумхалқ бирлашиб, яна бир зўр берса, бу вазифа ҳам бажарилади. Шонли колхозчиларимиз, совхоз ва РТСларнинг ходимлари, ишчилар, хизматчилар, студент ва ўқувчилардан иборат ватанпарвар шаҳарликлар ҳозирги кунгача пахта теримида фидокорона меҳнат қилишнинг юксак намуналарини кўрсатиб келган бўлсалар, эндиликда, пахта далаларида ғалабамиз яқинлашиб қолган бир пайтда қаҳрамонона меҳнат қилишнинг янги-янги ажойиб намуналарини кўрсатадилар ва бу асосий вазифанинг уддасидан чиқадилар деб ишонамиз.

Сиз билан биз учун Ватанга 3 миллион тонна пахта топшириш ҳақида Кремлда берилган ваъдани бажаришдан ва КПСС XXI съездига республикадаги барча меҳнаткашларнинг ана шу ғалабаси ҳақидаги мағрур рапорт билан боришдан ҳам кўра муҳим ва фахрли иш бўлиши мумкинми! Шундай экан, пахта учун курашнинг мана шу долзарб, якунловчи кунларида пахта терими каби умумхалқ ишидан бирон киши ҳам четда қолмаслиги керак».

Лекин очиқ эътироф этиш керакки, йиғим-теримнинг якунловчи даврида ҳам областимизда пахта тайёрлаш ҳамон қониқарсиз бормоқда. Областдаги 20 та райондан ҳали биронтаси планини бажаргани йўқ. Областнинг йирик пахтакор районларидан ҳисобланган Янгийўл, Оржоникидзе, Сирдарё, Чиноз ва Ўртасарой районлари ҳаммадан кейинда қолиб, бутун областни орқага тортмоқдалар. 22 та совхоздан фақат 6-«Кўкорол» ва «Вревский» совхозларигина, 163 пахтакор колхоздан атиги 10 тасигина йиллик пахта тайёрлаш планини бажардилар. Ваҳоланки Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро областлари давлат планини аллақачанақ бажариб, эндиликда социалистик мажбурият ҳисобидан пахта тошмоқдалар. Андижон, Самарқанд областлари ва Қорақалпоғистон АССР маррага яқинлашиб қолдилар. Наманган, Фарғона областлари ҳам пахта тайёрлашда бизнинг областдан анча олдинда бормоқдалар.

25 ноябргача область колхоз ва совхозларида план 72,29 процент бажарилди. Аммо йил бўйи тинмай қилган меҳнатимиз туфайли етиштирилган мўл ҳосилнинг талайгина қисми ҳали далада, ғўза тупларида, чаноқларда турибди. Вақт оз қолди. Шу ғанимат кунларда йўқотилган ҳар бир соатнинг ўрнини сал кунлан кейин ҳафталар ҳам боса олмайди. Шунинг учун ҳозир бутун кучни сарфлаб, ишни пирровардига етказишдан, етиштирилган пахта ҳосилининг ҳаммасини сира нобud қилмай тезда далалардан йиғиштириб олиб давлатга топширишдан ҳам муҳимроқ, масъулиятлироқ ва юксак вазифа йўқ! Колхоз ва совхозлардаги меҳнатга лаёқатли барча кишилар, пахта теримини тезда тамомлашга катта ёрдам бераётган областимизнинг барча меҳнаткашлари далада қолган ҳосилни йиғиб-териб олишда актив қатнашиши зарур. Ҳозир ҳар бир теримчи 3 миллион тоннага ўз ҳиссасини қўшмоги, яна давлатга топширилиган 250 минг тонна пахта ҳисобига қанча кўсак териб бериши ҳакида конкрет мажбурият олмоги керак. Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатидаги қўйилган оташин сўзлар ҳар бир кишининг қалбидан чуқур жой олмоги лозим.

«Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, шаҳарлик шонли ватанпарварлар! Ҳозирги пайтда энг асосий вазифа — пахтакорларнинг қаҳрамонона меҳнати билан етиштирилган бутун ҳосилнинг бир кўсагини ҳам қолдирмай далалардан тезроқ йиғиштириб олишдан иборат. Пахтадан юқори ҳосил тўплаш учун фидокорона олиб борилган курашда кўклам ва ёзда қандай қийинчиликлар бартараф этилганини бир эсга олингиз. Мўл ҳосил етиштирилди. Бу — Ватанга 3 миллион тонна пахта бериш ҳақида республика меҳнаткашлари умумхалқ ваъдасини бажариш имкониятини беради. Бунга ҳамма ҳосилни сўнгги кўсагигача қолдирмай териб олиб, давлатга топширганимиздагина эришамиз.

Азиз ўртоқлар, биз сизларни ана шу катта умумхалқ вазифасини бажариш учун барча кучингизни сарфлашга чақирамиз».

Ҳамма куч пахта териш ва топширишни тезроқ тугаллашга сафарбар қилинсин!

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитетида

ТЕРИМДА ҚАТНАШАЁТГАН, ПАХТА ЕТИШТИРМАЙДИГАН РАЙОНЛАРГА КУЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Область партия комитети ва область ижроия комитети пахта териш ва тайёрлашда қатнашаётган, пахта етиштирмайдиган районларга бериш учун область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини Ҳозир ҳар бир теримчи 3 миллион тоннага ўз ҳиссасини қўшмоги, яна давлатга топширилиган 250 минг тонна пахта ҳисобига қанча кўсак терио бериши ҳакида конкрет мажбурият олмоги керак. Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатидаги қўйилган оташин сўзлар ҳар бир кишининг қалбидан чуқур жой олмоги лозим.

Бу байроқ ҳар беш кунликнинг якунига қараб, теримда яхши натижаларга эришган районларга топширилади. Кўчма Қизил байроқ билан бирга илғор теримчиларга бериш учун 2 минг сўм миқдорида пул мукофоти ҳам ажратилади.

* * *

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети теримда катнашиб, колхоз ва совхозларга ёрдам бераётган, пахта етиштирмайдиган районлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг якунини кўриб чиқиб, область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини **Қорасув районига** (район партия комитетининг секретари **З. Муҳамедов**, район ижроия комитетининг раиси **М. Убайдуллаева**, район комсомол комитетининг секретари **Т. Чўтбоев** ўртоқлар) беришга карор қилди. Бу район пахта териш юзасидан олган мажбуриятини 31,9 процент бажарган. Илғор теримчиларни мукофотлаш учун Қорасув районига 2 минг сўм пул ажратилди.

Калинин районининг ҳам теримда яхши кўрсаткичларга эришаётганлиги қайд қилиб ўтилди.

* * * * * *

ПАХТА ДАЛАЛАРИНИНГ ИЛҒОРЛАРИ

Суратларда: (чапдан ўнга) Ҳоснят Бойжигитова — 3-«Боёвут» совхози 5-бўлимининг мавсумда 15 тонна пахта териш учун курашаётган ишчиси. Тўймажон Маннопова — Янгийўл районидаги Ленин номли колхозининг аъзоси. Маннопова кунига 160-180 килограммдан кўсак тераётир. Турсуной Охунова — Октябрь районидаги Ленин номли колхозининг кўпминг килограммчи теримчиси. У ҳозиргача 11 тонна пахта терди.

М. Шевелов ва Х. Эралиев фотолари.

Бўка районидаги Мичурин номли колхоз раиси ўртоқ Т. ҚАРИМОВГА, партия ташкилотининг секретари ўртоқ А. ЖАББОРОВГА, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ М. АШУРАЛИЕВГА

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети Бўка районидаги Мичурин номли колхоз аъзолари КПССнинг XXI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани кучайтириб, 1958 йил 23 ноябрда йиллик пахта тайёрлаш планини 100,11 процент бажарганликларини қониқиш билан қайд қиладилар.

Колхозчилар ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга қўшимча равишда камида 600 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети колхозчиларни, РТС ишчиларини, мактаб ўқувчиларини, Ўрта Осиё Давлат университети студентларини, «Свой труд», «Ўзбекистон ҳуҳожниги» артели ишчиларини, партия, комсомол ташкилотларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини эришилган муваффақиятлар билан табриклайдилар ва ишонч билдириб айтадиларки, улар далада қолган ҳосилни тез ва сифат нобud қилмай йиғиб-териб оладилар ҳамда уни давлатга топширадилар, чорва қишлови учун пухта тайёргарлик кўриб қўядилар, ерларни ўз вақтида шудгорлайдилар, қишлоқ хўжалигини тобора ривожлантириш учун янги муваффақиятларга эришадилар.

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ — **ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ**

Сирдарё районидаги Хрушчев номли колхоз раиси ўртоқ П. СУЛАЙМОНОВГА, партия ташкилотининг секретари ўртоқ П. ҚУҚИЕВГА, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Х. ҚОРАТОЕВГА

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети Сирдарё районидаги Хрушчев номли колхоз аъзолари КПСС XXI съезди шарафига социалистик мусобақани кенг қизитиб, 1958 йил 20 ноябрда пахта тайёрлаш йиллик планини 100 процент бажарганликларини қониқиш билан қайд қиладилар.

Колхоз аъзолари ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга қўшимча равишда камида 300 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети колхозчиларни, РТС ишчиларини, мактабларнинг ўқувчиларини, Октябрь революцияси номидаги завод ишчиларини, партия ва комсомол ташкилотларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини эришилган муваффақиятлар билан табриклайдилар ва ишонч билдириб айтадиларки, улар етиштирилган ҳосилнинг бир граммини ҳам нобud қилмай йиғиб-териб оладилар, уни давлатга топширадилар, чорва қишлови учун пухта тайёргарлик кўрадилар, ерларни ўз вақтида шудгорлайдилар, бундан кейин ҳам қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар.

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ — **ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ**

Илғор пахтакорлар аҳди

Боёвут районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари бу йил обҳаво қийинчиликларини енгиб, 810 гектар ерда мўл ҳосил етиштиришдилар. Улар бу ҳосилни йиғиб-териб олишни ҳам уюшқоқлик билан ўтказиб, меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Колхоз йиллик пахта тайёрлаш планини бажариш арафасида суръатга-суръат қўймоқда. Каримберди Жўраев, Шоди Ҳудойқулов, Жуман Собиров ва Олимжон Мўминов ўртоқлар бошлиқ бригадалар байрам арафасидаёқ ҳар гектар ердан 31-32 центнердан ҳосил топшириб, йиллик планларини ортиғи билан бажарган эдилар. Бу бригадаларда шу кунларда социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширилмоқда.

Кўп минг килограммчи теримчилардан Қудратилла Абдиқундузов, Бувинисо Оллаёрова, Турсуной Бойматова, Жўрабой Сафарбоев, Турсуной Иброхимова, Ўразали Жабборов, Файзи Нурматова, Шаҳоат Зокирова сингари ўртоқлар кўсак теримида ҳам фидокорлик кўрсатиб ишламоқдалар. Бу чеварларнинг ҳар бири ҳозирга қадар кирмонга 8-10-15 тонналаб пахта топширдилар.

Колхозлари 13-ўрта мактаб ўқувчилари ҳам теримда актив қатнашмоқдалар. Мактаб ўқувчиларининг кучи билан шу кунга қадар 112 минг 424 килограмм пахта терилди.

Колхозчилар партия ва ҳукуматимизнинг Мурожаатига жавобан шаҳарли ёрдамчилар, мактаб ўқувчилари билан ҳамкорликни тобора кучайтириб, теримни муваффақиятли тугаллаш, шу билан бирга келгуси йил мўл ҳосили учун ҳам пухта замин ҳозирлаш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

М. НУРМАТОВ.

Мажбурият ҳам ортиғи билан бажарилади

БЎКА. (Телефон орқали олинди). Район колхозчилари, совхоз ишчилари далада қолган ҳосилнинг сўнгги граммигача нобud қилмай, йиғиб-териб олиш учун курашиб, социалистик мусобақани тобора кучайтирмоқдалар

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатини бу район меҳнаткашлари ҳам кўтаринки руҳ билан кутиб олдилар. Колхозчилар, совхоз ишчилари, ёрдамчилар Мурожаатни қизғин муҳокама қилиб, ўз устларига янги мажбурият олмоқдалар.

Мичурин номли колхоз аъзолари 1050 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 21 центнердан, жами 2130 тонна ҳосил топшириб, планнинг бажарилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Ҳозир улар яна камида 600 тонна пахта териб топшириш учун курашаётирлар.

«Ленинизм» колхози аъзолари ҳам бу Мурожаатни 740 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги ҳосилни йиғиб-териб олган ҳолда кутиб олдилар. Бу Мурожаат колхоз аъзоларини янги меҳнат ғалабаларига янада руҳлантириб юборди. Далаларда ҳали ҳосил мўл. Колхоз аъзолари ишчи кучларидан унумли фойдаланиб, сушилка хўжаликларининг кеча-кундуз ишлашини таъминлаб, давлатга пландан ташқари яна 400 тонна пахта топшириш юзасидан мажбурият олдилар.

Етиштирилган ҳосилни териб олишда Ўрта Осиё Давлат университети биология факультети студентлари ҳамда Маданият министрлиги ходимларининг бераётган ёрдами самарали бўлмоқда. Бу университет ҳамда министрликлар Мурожаатни муҳокама қилиб чиқиб, йиғим-теримда колхозга янада самарали ёрдам бериш тадбирларини ишлаб чиқдилар.

Ж. СУЛТОНОВ.

Яна бир тонна кўсак териб бераман

Республикамиз 2 миллион 750 минг тонна пахта топширибди деган хушхабар «оқ олтин» далаларига кўёш нуридек тез тарқалди. Бу кувончли хабарни эшитган ҳар бир теримчи ана шу тонналарда ўзининг кичик бўлса ҳам бирор ҳиссаси борлигини англаб, зўр ифтихор ҳисларига тўлади.

Мен ҳам минглаб хашарчилар қаторида, Тошкент Давлат медицина институти студентлари, профессор ва ўқитувчилар коллективи қаторида йиғим-терим бошлангандан бери пахта далаларидаман. Ана шу давр мобайнида 5 тоннага яқин «оқ олтин» териб топширишга муваффақ бўлдим. Кейинги 9 кун мобайнида 2000 килограммга яқин кўсак териб бердим.

Энди партия ва ҳукуматимиз биз студент ва ўқувчиларга мурожаат қилиб, қолган чорак миллион тоннани ҳам териб беришда яна ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлашни таклиф қилмоқдалар. Бу ватанпарварлик чақириғи биз ёшларни янги меҳнат зафарларига даъват этмоқда. Мен қолган ҳал қилувчи 250 минг тонна пахтани давлатга топшириш учун бошланган янги умумхалқ курашида актив иштирок этиб, бир тонна кўсак териб бериш мажбуриятини оламан. Бу, республикамиз мажбуриятини бажаришига менинг қўшган ҳиссам бўлади.

М. РАҲИМОВА,
Тошкент Давлат медицина институти педиатрия факультетининг II курс студенти.

Меҳнаткашларнинг ватанпарварлик ташаббуслари тўғрисида ВЦСПС-нинг қарори

«СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари» тўғрисида КПСС XXI съездида ўртоқ Н. С. Хрушчев томонидан қилинадиган докладнинг тезислари муҳокама этилаётганлиги муносабати билан меҳнаткашларнинг ватанпарварлик ташаббуслари ҳақида ВЦСПС президиуми қарор чиқарди.

Меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик ёпасига кучайиб бораётган шу кунларда, дейилади қарорда, етти йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун умумхалқ мусобақаси кенгайиб бормоқда, янги ватанпарварлик ташаббуслари туғилмоқда, оширилган мажбуриятлар қабул қилинмоқда. Москва — сортировочная депосидаги коммунистлар ва комсомолларнинг ташаббуси билан янги ажойиб ҳаракат бошланди — шу деподаги роликлар цехининг ишчилари коммунистик тарзда ишлаш мажбуриятини олдилар. Москва, Ленинград, Харьков, Минск корхоналарида, Урал, Сибирь ва мамлакатнинг бошқа районларидаги кўп шаҳарларда бу ташаббус қизғин равишда қўллаб-қувватланди. Коммунистик тарзда ишлашга қарор қилган илғор бригадалар ва ишчилар меҳнат унумлилигини юксак даражада ошириш билан бирга ўзларининг маданий ва техника савияларини ҳам оширишга, ишлаб чиқаришнинг энг замонавий техникасини ва технологиясини эгаллаб олишга, бир неча касбни ўрганиб олишга, ўтмиш сарқитлари билан курашишга, ўз манфаатларини жамият манфаатларига бўйсунтиришга сўз бермоқдалар.

Донбассдаги кенгдор забойщик Николай Мамай бригадасининг шахтерлари ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш соҳасида янги ташаббусни бошлаб юбордилар. Улар бригаданинг ҳар бир аъзоси томонидан йил охиригача, шунингдек бутун 1959 йил давомида пландан ташқари ҳар смена 2,5 тоннадан кўмир қазиб беришга, ҳар бир тонна ёқилгининг пландаги тежаркини бир ярим сўм миқдорида камайтиришга қарор қилдилар ҳамда Украинадаги ҳамма кончиларга, биздан ўрнак олингиз, деб мурожаат қилдилар. Николай Мамайнинг бу ташаббусини жуда кўп шахтерлар билан бир қаторда Украина, Урал, Караганддаги бошқа саноат тармоқларининг ишчилари ҳам қўллаб-қувватладилар.

Магнитогорск металлургия комбинатининг 6 мингдан кўпроқ ишчиси, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партия съездига тайёргарлик кўриб, меҳнат унумдорлигини ошириш резервларини қидириб топиш рейдида қатнашдилар. Шу дамгача тушган таклифлар шу йилнинг тўртинчи кварталида амалга оширилганида ҳам бунинг натижасида 405 ишчини ишлаб чиқаришнинг бошқа участкаларида фойдаланиш учун бўшатиб бериш имконияти туғилади.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларида тежалган материаллардан маҳсулот чиқаришни кўпайтириш учун, маҳсулотнинг юқори сифатли бўлиши учун бошланган мусобақа кенг авж олмоқда.

ВЦСПС президиуми меҳнаткашларнинг янги ватанпарварлик ташаббусларига катта аҳамият бериб, КПСС XXI съездида ўртоқ Н. С. Хрушчев қиладиган доклад тезисларини кенг тушунтиришни ташкил этиш билан бирга, коммунистик меҳнат бригадалари ва цехлари тузишда ташаббускорлик кўрсатаётган илғор ишчилар ва коллективларнинг ватанпарварлик ташаббусларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш, ҳар бир корхона, цех, бригада олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши учун умумхалқ мусобақасини авж олдириш барча касаба союз ташкилотларининг энг муҳим бурчи бўлиши керак деб ҳисоблайди.

Қарорда ишчилар, инженерлар, техниклар ва хизматчиларнинг коммунистик тарзда ишлаш, ўзларининг умумий ва техника савияларини ошириш, ижтимоий фойдали меҳнатда актив қатнашиш, ўзларини коммунистик жамият юмушчиларига хос бўлган хислатларга эга қилиб тарбиялаш юзасидан олган мажбуриятларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш зарурлиги уқтириб ўтилади. Касаба союз ташкилотлари, хўжалик органлари ва корхоналарнинг раҳбарлари билан бирликда ишчиларга ўзларининг ижодий планларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитни яратиб беришга мажбурдирлар. Коммунистик меҳнат бригадаларининг муваффақиятларини ва иш методларини кенг миқёсда намойиш қилиб туриш, уларнинг мисоли асосида ҳамма ишчилар ва хизматчиларда коммунистик тарзда меҳнат қилиш истагини ривожлантириш зарур. Касаба союзларининг советлари, область ва фабрика-завод комитетларига хўжалик органлари билан биргаликда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамларида кўзда тутилган топшириқларнинг тезроқ бажарилиши учун ишлаб чиқариш резервларини КПСС XXI съезди шарафига жамоат кўригидан ўтказиш тавсия қилинди.

ВЦСПС ҳамма ишчиларни, инженерларни, техникларни ва хизматчиларни умумхалқ мусобақасига актив равишда қўшилишга чақиради. (ТАСС).

Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1958 йил 25 ноябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш	Районлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
Бўстонлиқ	82,60	0,95	Гулистон	70,88	0,55
Пискент	80,03	0,64	Октябрь	69,50	0,53
Боёвут	79,69	0,50	Сирдарё	67,99	0,65
Куйи Чирчиқ	79,05	0,49	Ўртасарой	67,80	0,41
Бўка	77,82	0,60	Чиноз	67,75	0,42
Бекобод	75,68	0,53	Оржоникидзе	65,55	0,96
Оққўрғон	74,58	1,11	Янгийўл	61,15	0,61
Верхне-волинск	73,68	0,77	Оҳангарон	46,20	0,60
Юқори Чирчиқ	73,65	0,63	Калинин	39,10	0,52
Мирзачўл	72,43	0,25			
Ўрта Чирчиқ	72,40	0,51	Область бўйича	72,29	0,61

Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1958 йил 25 ноябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш	Совхозлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
6-«Кўкорол»	121,50	0,20	«Фарҳод»	70,50	0,50
«Вревский»	117,33	—	«Чаноқ»	70,00	0,42
«Пискент»	84,16	0,49	«Гулистон»	70,00	0,50
«Социализм»	83,31	0,46	4-«Боёвут»	68,74	0,34
3-«Боёвут»	81,06	0,42	«Дружба»	64,98	0,70
«Мирзачўл»	80,22	0,22	1-«Оҳангарон»	56,00	—
Киров номли	79,10	0,45	«Малик»	55,23	0,66
1-«Далварзин»	78,98	0,65	Бушуев номли	53,53	0,73
«Оққўрғон»	78,31	1,41	Тошкент наслчилик совхози	49,80	0,39
2-«Далварзин»	76,26	0,56			
1-«Боёвут»	75,69	0,45			
«УзССР беш йиллиги»	70,96	0,44	2-«Оҳангарон»	40,59	0,94

КПСС XXI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг тезислари ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мактаблар ҳақидаги тезислари умумхалқ муҳокамасида

★ ★ ★ ★ ★ ☆ ☆

Коммунистик қурилишнинг улуғвор программаси

(ОЛМАЛИҚ ШАҲАР ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН)

Яқинда шаҳар партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда шаҳар партия комитетининг секретари Ўртоқ В. П. Ноженкин КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг иш якунлари тўғрисида доклад қилди. Докладчи айтдики, совет халқи КПСС XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятни юксалтириш, меҳнаткашлар моддий фаровонлигини ошириш соҳасида катта муваффақиятларга эришди.

Янги етти йилликда партия янада улуғвор вазифаларни белгилаб берди.

Шаҳар ривожланишининг перспектив плани лойиҳаси бўйича саноатнинг ялпи маҳсулоти 1965 йилда 1958 йилга нисбатан тўққиз баравардан зиёдроқ кўпаяди. 1960 йилда мамлакатдаги мисни саралаш фабрикаларидан бирининг дастлабки навбати фойдаланишга топширилади. Етти йилликда автомобиль-ремонт заводи қурилиши тугалланиши, оҳак заводининг қурилиши бошланиши керак, сут ва пиво заводлари қуриш ҳам мўлжалланади. 1960 йилда Олмалиқ шаҳри ва унинг корхоналари газ билан таъминланади. Шаҳарда уй-жой, мактаб, болалар муассасалари, касалхона, клуб, кинотеатрлар қурилишига кўплаб маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда. 1959 йилда кенг экранли кинотеатр, катта мебель фабрикаси қурида бошлайди.

— Саноат ва маданиятни ривожлантириш соҳасида шаҳар меҳнаткашлари олдида турган катта вазифалар, — дейди Ўртоқ Ноженкин,— шаҳар партия ва хўжалиқ активи зиммасига катта масъулият юклайди. Улар меҳнаткашларни ана шу вазифаларни муваффақиятли бажаришга, КПСС XXI съездини муносиб кутиб олиш учун курашга сафарбар этишлари лозим.

Доклад юзасидан музокарага чиққан «Алмаликсвинецстрой» трестининг бошқарувчиси Ўртоқ Тетевин бундай деди:

—Келаси йилда биз бир ярим ҳисса кўпроқ ҳажмдаги ишни бажаришимиз лозим. Етти йиллик вазифаларини муваффақиятли бажариш учун ишлаб чиқаришнинг техника даражасини кескин ошириш, меҳнат унумдорлигининг деярли икки баравар кўп бўлишига эришишимиз лозим. Йирик панеллардан фойдаланиб бино қуришни, янада самаралироқ конструкциялардан фойдаланишни кенг йўлга қўйишимиз керак.

Ўртоқ Тетевин айтдики, трест коллективи коммунистик қурилишнинг улуғвор режаларини бажаришга ўз ҳиссасини қўшиш учун КПСС XXI съезди шарафига олган мажбуриятини муваффақиятли ало этишга қатъий аҳд қилди.

— Етти йиллик план лойиҳасида, — деди Олтинтопган руда конининг бошлиғи Ўртоқ Цогоев, — Ўзбекистонда рангли металлургияни ривожлантиришга катта эътибор берилади. Ана шу етти йилликда Олтинтопган конида руда қазиб чиқариш 1965 йилгача 2,5 баравар кўпаяди. Иккита катта руда қазиш тайёрлаб фойдаланишга топширилиш зарур. 1960-61 йилларда Олтинтопган руда конида оғир суспензияларда рудани саралайдиган корпус қуриш зарурати туғилиб қолди. Бу корпус қурилса руда ташиш ва уни саралаш харажатлари камаяди. шунингдек Олмалиқ саралаш фабрикасини кенгайтириш учун қўшимча маблағ сарфламаслик имкониятини беради.

Янги етти йиллик план лойиҳасида бошқариш аппаратини янада қисқартириш ва соддалаштириш кўзда тутилади.

— Бизнинг бошқармамизда 25 ҳисобчи бор, — дейди «Алмаликсвинецстрой» трестига қарашли 3-қурилиш бошқармасининг арматурачиси Ўртоқ Водолазский, — буларнинг кўплари сира кераксиз ишни қилмоқдалар. Мен ҳисобчилар сонини мумкин бўлган жойда қисқартиришни таклиф қиламан.

Ушанский номли мактаб директори Ўртоқ Гречушева ўз мактабининг ўқитувчилари номидан гапирди.

— Биз, — деди у, — партия ва ҳукуматнинг мактабни қайта ташкил қилиш тўғрисидаги тезисларини қизғин табриклаймиз ва маъқуллаймиз. Мактаб саноат ва қишлоқ хўжалиги тараққиётининг суръатидан ҳақиқатан ҳам орқада қолиб кетди. Таълим ва тарбиянинг янги системасига ўтиш билан болаларни тарбиялашга ва ҳар томонлама ўстиришга кўпроқ эътибор бериладиган бўлади.

— КПСС XX съезднинг мактабларда политехника таълими тўғрисидаги қароридан кейин шаҳар мактабларида махсус устахоналар ташкил қилинди, — деди Ломоносов номли мактабнинг илмий бўлим мудири Ўртоқ Абрукин. — Бироқ кўпгина мактабларда устахоналар яхши жиҳозланмаган. Мактаблар ишлаб чиқаришдан ажралиб қолган. Мактабнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлаш ва халқ маорифи системасини янада ривожлантириш манфаатлари мактабдаги техника тўгаракларига ишлаб чиқаришдаги инженерлар ва техникларнинг жалб этилишини талаб қилади.

Йиғилиш қатнашчилари тезислар муҳокамаси юзасидан резолюция қабул қилдилар ва унда партия ва ҳукумат белгилаган тадбирларни якдиллик билан маъқулладилар, 1959 — 1965 йилларда Олмалиқ меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни бажариш тадбирларини белгиладилар.

А. ЗЕМЛЯНСКАЯ.

АГИТАТОР СУҲБАТИНГДА ФОЙДАЛАН!

Оғир саноатимизнинг муҳим соҳаси

Мамлакатимиз қанча кўп пўлат ишлаб чиқарса, у шунчалик қудратли бўлади.

1913 йил Россияда ҳаммаси бўлиб 4,2 миллион тонна пўлат эритилган бўлса, 1957 йилга келиб мамлакатимизда 51,2 миллион тонна пўлат эритилди. СССР пўлат ишлаб чиқариш жиҳатидан Европада биринчи ва дунёда иккинчи ўринда. Пўлат эритиш суръати жиҳатидан эса биз дунёда ҳамма мамлакатлардан ўзиб кетдик. Мисол эса 3,6 миллион тонна миқдорида кўпайди.

Етти йил мобайнида СССР халқ хўжалиги ва унинг асоси бўлган оғир индустрия аввалгидек бу сафар ҳам капиталистик мамлакатлар, шу жумладан Америка Қўшма Штатлари экономикасининг ривожланиш суръатларидан кўп марта ортиқ суръатлар билан ривожлантирилади.

Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида «СССР халқ хўжалигини

учун: 27 йил ичида (1929-1955 йиллар) пўлат эритишнинг ўртача йиллик ўсиши АҚШда — 2,4 процент, Англияда — 2,8 процент, Францияда 1 процентни ташкил этган бўлса, СССРда 1928-1955 йилларда — 9,1 процентни ташкил этди. 12 ойлик давр ичида (ўтган йилнинг сентябридан бу йилги август ойига қадар бўлган давр ичида) ундан илгариги 12 ойлик давр-дагига нисбатан пўлат ишлаб чиқариш АҚШда кризис таъсири остида 32,8 миллион тонна камайди, бизда ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган «контроль рақамлари» ҳақида қиладиган докладининг тезисларида пўлат эритишни 86-91 миллион тоннага етказиш вазифаси қўйилган. 1959-1965 йилларда пўлат эритишнинг ўртача йиллик ўсиши 1952-1958 йиллардагги 3,4 миллион тонна ўрнига 4,4-5,1 миллион тоннага кўпаяди. Етти йилликнинг охирига бориб, СССР пўлат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми жиҳатидан ҳам АҚШга етиб олади.

УЛУҒ СЪЕЗД НАФАСИ

Мунча қудратлисан улуғ Партиям,
Буюклар буюги, тенгсиз даҳосан.
Ҳар бир нафасингдан яшнайди нўклам,
Ҳаёт равнақида ўзинг таниҳосан.
Сўзингда Ленининнинг сўзи жаранглар,
Йўлингда қуёшдир Ленин сиймоси.
Янги зафар билан отганда тонглар,
Эл қалбига оқар меҳринг дарёси.
Меҳрга тўлиқдир ҳар бир нигоҳинг,
Ёғдин истиқбол бор ҳар бир режангда.
Ечилар табиат сири, жумбоғи
Зўр тоғлар кўксига урган тешангда.
Сен билан космоса этолдик парвоз,
Қирлардан ундирдик миллиард тонна дон.
Ҳар бир ихтирога сен буюк устоз,
Қўлладинг, чўлларга бахш этолдик жон.
Овозинг янгради — зўр мужда, хабар,
Шонга тўлиб келур Улуғ Съездинг.
Ҳамма бир кишидек бугун баробар,
Улуғ режаларинг қудратин сездик.
Меҳринг, ғамхўрлигинг чуқур сингиган
Ватан тупроғининг заррасигача.
Уйлар мўрисидан кўкка бўй чўзган
Гигант заводларнинг трубасигача.
Биламиз, бу улуғ режаларинг-ла,
Яна ҳам гуркираб яшнайди ҳаёт.
Истиқбол ва иқбол йўлларинг равшан
Сенинг қудратингда кўрар одамзод!

Юсуф ШОМАНСУРОВ.

Коммунистик тарбия ва мактабнинг янада равнақи учун

Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин эски таълим ва тарбияга классик баҳо бериб шундай деган эди: «Эски мактаб қуруқ таълим мактаби эди. У мактаб кишиларни ҳар хил, ҳеч кераги йўқ, ортиқча бемаъни билимларни билдб олишга мажбур қилар эдики, бу билимлар кишининг миясини гангитар ва ёш бўғинни бир қолипдаги чиновникларга айлантирар эди».

В. И. Ленининг қўли билан ёзилиб, Бутуниттифоқ коммунист (большевиклар) партиясининг VIII съездида қабул қилинган РКП(б) программасида, халқ маорифи соҳасидаги вазифалар тубандагича таърифланади: — мамлакатимизда пролетариат диктатураси даврида 17 ёшгача бўлган ҳар икки жинсдаги болаларнинг ҳаммасини умумий-мажбурий ва политехник таълимга ўргатиш, ўқишни ижтимоий унумли меҳнат билан маҳкам боғлайдиган, ҳар томонлама тараққий қилган кишиларни, коммунистик жамият аъзоларини тайёрлайдиган мактабни вужудга келтириш вазифаси қўйилади. В. И. Ленин революциягача, революциядан кейин сўзлаган нутқ ва ёзган мақолаларида ёшларимиз учун политехник таълимнинг нақадар зарурлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтган эди.

Шундай қилиб, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, янги, ёш совет мактаби ва совет тарбия системаси яратилди.

Дастлабки совет мактаби бирлашган меҳнат мактаби эди. Партия, ҳукумат, халқ ва педагоглар жамоатчилигининг бутун эътибори мактаб структураси, ўқув плани программалари, дарсликлар ва айниқса совет тузумига содиқ бўлган ўқитувчи кадрларни танлаш, тарбиялаш масалаларига қаратилган эди.

Совет ҳокимияти йилларида олиб борилган жуда катта ижодий иш ва курашлар натижасида асримизнинг энг прогрессив «СССР халқ маорифи системаси» яратилди. Бу система социалистик принцип асосида қурилган чинакам демократик системадир. Болалар боғчасидан тортиб то аспирантурагача, бири иккинчиси билан органик равишда боғланган халқ маорифи ситемаси равнақ топди. Ана шу системанинг муҳим соҳаси, халқ маорифининг асосий ва ҳал қилувчи звеноси бўлган совет мактаби умумий маданий қурилишнинг, коммунистик қурилишнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб қолди.

Ўтган давр ичида совет мактаби ёшларни билимдон, аҳлоқли, совет тузумига садоқат ва фидокорлик руҳида, халқ ишига жон-дил билан хизмат қилиш руҳида тарбиялаш, коммунистик жамият қуришнинг актив бинокорлари қилиб етиштиришда ғоят катта ишлар қилди.

Аммо, ҳозирги даврда совет давлатининг ҳар томонлама тараққий этиши, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги кенг истиқболлари мактаб ва халқ маорифи органларга олдига янгидан-янги улуғвор талабларни қўймоқда. Бу талаблар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида»ги тезисларида тўла ифодаланган.

КПСС XXI съезлида Ўртоқ Н. С. Хрушчев қиладиган доклад тезисларида коммунистик жамият қуришнинг энг муҳим масалалари белгилаб берилган. Қўйилган тарихий вазифаларни муваффақият билан бажариш учун ўқимишли, меҳнат маданиятини эгаллаган, кенг политехник билимларни ўзлаштирган кишилар талаб этилади. Бундай истеъдодли кадрларни совет мактаби тарбиялаб бериши керак.

Дарҳақиқат, олдимизда турган вазифалар нуқтаи назаридан қарагнимизда, мамлакатимиздаги мавжуд мактаб ва маориф системамизда жуда катта чуқсонлар бор. Аввало, мактаб ўз ўқувчиларини меҳнатга етарли тайёрламайди, ўқувчиларни турли касб, ҳунарга қизиқтириш, меҳнатсеварлик туйғу ва истакларини кучайтириш йўлида кам ғамхўрлик қилади. Айниқса ёшларимизга халқ хўжалигининг айрим соҳаларида, амалий ишда тадбиқ этадган меҳнат кўникмаларини бермади.

Турмуш мактаб олдига янги вазифаларни қўймоқда. Шунинг учун ҳам янги мактаб, юқорида зикр этилган ҳамма камчиликдан мустасно бўлиши керак.

Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг тезислари бутун совет халқини, шунингдек кўп миллионли педагоглари ғоятда қувонтирди. Давримизнинг ўрта ва олий мактабларимиздаги ўқиш, коммунистик тарбия ишларимизни янада яхшилашга қаратилган бу муҳим ҳужжати бутун совет кишиларининг эътиборини ўзига жалб этмоқда. Совет кишиларининг матбуотимизда эълон қилинаётган истак-орзу ва таклифлари шонли партиямиз ва жонажон ҳукуматимизга бўлган чин муҳаббатлари ифодасидир.

Республикамизнинг илғор агротехника ва механизацияга асосланган пахтачилик базаси эканлигини ҳисобга олиб, ўқувчиларни пахтачилик касбига оид билимлар билан қуроллантириш лозим. Ўқув планларида металлургия, энергетика, химия, машинасозлик саноатимизнинг ривожланишини ҳам кўзда тутиш зарур. Совнархозлар, Госплан корхоналаримизга талаб қилинадиган кадрларни тўғри планлаштиришлари ва айниқса мактаблар таълимнинг иккинчи босқичида шу планга риоя қилиб иш кўриши керак.

Ўқув планлари ва программаларини қайта кўриб чиқишда республика ўлкашунослигини, айниқса унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кенг ўргатишни кўзда тутиш талаб этилади.

Бизнинг фикримизча, **ҳамма республикаларда рус тилини ва рус тили ўқитиладиган мактабларда эса ўша мактаб жойлашган республиканинг тилини мажбурий тарзда ўрганиш маъқулроқ.**

Ўқитувчилар тайёрлашда бутун республикада, шу жумладан Тошкент Давлат педагогика институтида ҳам бир мунча камчиликлар бор. Бу камчиликларнинг энг муҳими бўлажак педагоглларнинг мактабларда олиб борадиган амалий машғулотларига жуда кам вақт ажратилишидир. Бизнингча, **V курсни бутунлай мактабларда амалий машғулотлар ўтказишга ажратиш ва бу машғулотларни асосан қишлоқ мактабларида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.**

Бошланғич мактаблар учун педагогика институтларининг махсус факультетларида ўқитувчилар тайёрлаш йўлга қўйилиб, тўғри иш қилинган. Шуни назарга олиб, **педагогика билим юртларининг зарурлиги ёки зарур эмаслигини ўйлаб кўриш керак.** Ваҳоланки педагогика билим юртларини тамомлаганларнинг кўпи педагогика институтларида ўқиб, яна бошланғич мактабларда дарс берётирлар.

Шарқнинг социализм дарвозаси ҳисобланган Ўзбекистонда илмий педагогика тадқиқодларини ривожлантиришга ёрдам берадиган илмий лабораториялар, политехника музейи, халқ маорифи музейи, кутубхонаси, архиви барпо этиш лозим.

Халқ маорифини янада ривожлантириш манфаатлари педагогика соҳасидаги илмий тадқиқод ишларини ўз профилига қараб координациялаштириш, бир марказдан бошқариш зарур.

Давримиз халқ маорифини ҳамма соҳасини қайта қуришда жуда катта ижодий ишлар қилинишини, мактаб ўқув планлари, программаси, дарсликлари, ҳаттоки ўқитиш методларини ҳам қайта қуришни талаб этади.

Ҳозиргача мактабда ўқитишнинг асосий шакли фақат дарс бўлган эди. **Энди эса таълимнинг бошқа усуллари (суҳбат, кўргазмали дарслар, лаборатория машғулотлари, устахона таълими, экскурсиялар, мустақил ишлар ва ҳоказо) ҳам кенг қўлланилади.**

Мактабларни қайта қуриш дастлабки мактабларни, маориф органларини истеъдодли, билимдон, тажрибали педагоглар, раҳбарлар билан мустаҳкамлашни тақоза қилади. **Ҳозиргача олий педагогика ўқув юртлари ва университетларнинг педагогика ва психология кафедралари ўз фаолиятларини мактаблар билан яхши боғламаган эди. Энди мазкур кафедралар бу соҳадаги илмий тадқиқод ишларини кучайтиришлари лозим.**

Бизнинг шароитимизда қизларни ўқишга тортиш, тарбиялаш ҳали ҳам энг муҳим ишлардан бўлиб қолади. Қизларга ҳам асосларга билан бирга турли касбларни ўргатиш масаласи муҳим аҳамиятга эгадир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг тезисларида кўрсатилган доно таклифлар асосида мактаб, халқ маорифини қайта қуриш ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари учун билимдон, меҳнатсевар, моҳир, коммунизм ишига садоқатли, коммунистик жамият қуришнинг актив бинокорларини етказишни тубдан яхшилашга ёрдам беради.

Сидиқ РАЖАБОВ,
педагогика фанлари доктори, профессор.

Коммунистик партия — коммунизм қураётган совет халкининг йўлбошчиси ва илҳомчиси

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган ноябрь Пленуми мамлакатимизда коммунизм қурилишининг улуғвор программ ҳужжатларини муҳокама қилди ва уни маъқуллаб умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари» ҳақида КПСС XXI съездида қиладиган докладининг тезисларида мамлакатимиз тараққиётининг мисли сиз суръатлари кўрсатилган, халқ фаровонлигининг ажойиб перспективалари ифода этилган.

Коммунизм қураётган совет халқи бу улуғвор вазифаларни Коммунистик партиянинг раҳбарлиги ва йўлбошчилигида амалга оширади.

* * *

Коммунистик партия кўп миллионли халқ оммасининг йўлбошчиси ва илҳомчисидир. Коммунистик партия ишчилар синфининг онгли, илғор ва ғоюшган отряди, унинг авангарди бўлганлиги учун ҳам меҳнаткашларнинг оммавий ташкилотлари — советлар, касаба союзлари, комсомол, кооператив ташкилотларининг ишларига раҳбарлик қилади. Бу ташкилотлар ишчилар синфи диктатурасининг таркибий қисмидир. Партия ана шу ташкилотларга раҳбарлик қилиш орқали омма билан ўз алоқасини мустаҳкамлайди. Партиянинг, партия маҳаллий ташкилотларининг вазифаси — дейилади КПСС XXI съездида Н. С Хрушчев қиладиган доклад тезисларида — бундан буён ҳам омма билан ўз алоқаларини тинмай кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан, оммани маърифатли қилиш ва ташкил этишдан, айни вақтда оммадан тинмай ўрганиш, оммаининг тажрибасини умумлаштириш ва ёйишдан иборат.

Коммунистик партиянинг асосчиси ва гениал йўлбошчиси В. И. Ленин ақлидий жиҳатдан қолоқ Россияни илғор социалистик давлатга айлантиришнинг илмий программасини ишлаб чиқди. Бу программа — мамлакатни социалистик индустриалаштириш, оғир саноатни ҳар тарафлама ривожлантириш, бутун халқ хўжалигини электрлаштириш, мамлакат қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуришнинг кооператив планини ҳамда маданий революцияни амалга оширишни ўз ичига олади.

Коммунистик партия совет халқини ана шундай муҳим ҳаётий вазифаларни амалга ошириш учун курашга отлантирди ва илҳомлантирди. Партия Ленин васиятларига амал қилиб, пролетариат диктатурасининг асосий принципи бўлган ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлаш ишига доимо эътибор бериб келди. Мамлакатни индустриалаш ва қишлоқ хўжалигини социалистик асосда коллективлаштириш муваффақиятли амалга оширилганлиги ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлади. Совет халқининг ижодий кучига ишонган Коммунистик партия мамлакатда социализм ғалабасини таъминлади.

Улуғ Ватан уруши йилларида Коммунистик партия фашист босқинчиларига қарши умумхалқ курашининг ва унинг тарихий ғалабасининг илҳомчиси, ташкилотчиси бўлди. Совет халқи партия раҳбарлигида урушдан сўнги биринчи беш йиллиқдаёқ, СССР халқ хўжалигини тиклабгина қолмай, кўп соҳаларда урушдан олдинги даражадан ҳам ошириб юбордилар.

КПСС XX съезди партиямиз ва мамлакатимиз тарихида, шунингдек халқаро ишчилар ҳаракатида буюк тарихий воқеа бўлди. Партия XX съезди мамлакатда коммунизм қурилишининг буюк программасини белгилаб берди. Партия раҳбарлигидаги совет халқи, съездан сўнги ўтган давр ичида, съезд тарихий қарорларини актив суратда амалга ошириб, мамлакатимиз экономикасини беқиёс даражада ривожлантирди. Эндиликда Совет Иттифоқи революциядан илгариги Россияга нисбатан саноат маҳсулотини 36 баравар кўп ишлаб чиқармоқда, ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимизда ҳар ўн кунда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг миқдори бутун 1913 йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг миқдорига баравардир. Ўтган йилда Англияда 1913 йилги даражадан фақат 1,8 баравар ва АҚШда 4,1 баравар ошиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу социалистик ишлаб чиқаришнинг капиталистик ишлаб чиқаришдан тамомила устун эканлигини кўрсатиб турибди.

Коммунистик партиянинг ишчилар синфи ва бутун меҳнаткашлар оммаси манфаатларидан бошқа манфаатлари йўқ. Сўнгги 3-4 йил ичида халқ фаровонлигини оширишга қаратилган бир қанча муҳим тадбирлар амалга оширилди. Булар: кам қақ оладиган ишчи ва хизматчиларнинг иш қақларини ошириш, дам олиш кунларидан олдин ва байрамолди кунларида иш кунини икки соатга қисқартириш, етти соатлик иш кунини жорий қилиш, давлат пенсиялари тўғрисида янги қонун, социал страхование, бепул ўқиш, стипендия, аҳолига медицина ёрдами учун ажратилган маблағларнинг кўпайтирилиши ва бошқалар. Партиямиз шу тариқа совет халқининг кундалик ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларида юқори даражада қондириш йўлида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Етти йиллик мобайнида эса истеъмол моллари ишлаб чиқариш 62-65 процент ортди. Шу йиллар ичида чинакам халқ даромади бўлган миллий даромад 1958 йилдагидан 62-65 процент ортди.

СССРда ленинча миллий сиёсатнинг партиямиз томонидан изчил суратда амалга оширилиб бориши, қардош иттифоқчи республикалар экономикаси, фани ва маданиятининг юксалиб боришида ўзининг ёркин ифодасини топган. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг доклади тезисларида Ўзбекистон ССР бундан буён ҳам мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб қолади дейилган. Республикамизда пахта етиштириш 1957 йилга нисбатан 1,3-1,4 баравар ортди. Етти йил ичида республикамиз халқ хўжалигига сарф қилинадиган маблағ эса 35-36 миллиард сўмни ташкил этади.

КПССнинг жанговар отряди бўлган Ўзбекистон Коммунистик партияси республика саноатини, қишлоқ хўжалигини, фан ва маданиятини юксалтиришда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Партиямизнинг хўжаликка раҳбарликни яхшилаш соҳасидаги тадбирларидан бири Халқ хўжалик кенгашлари, иқтисодий-маъмурий районларнинг ташкил этилиши дурust натижалар бермоқда. Ҳозир Ўзбекистонда 5 та иқтисодий-маъмурий район ва беш Халқ хўжалик кенгаши бўлиб, уларда йилига 18 миллиард сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқаралиган 300 дан ортиқ саноат корхоналари марказлаштирилган. Етти йиллик планда республикамиз саноатининг 80 процент ўсишининг белгланиши унинг илғор саноатини янада ривожлантиради.

Саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятнинг гуллаб-яшнашини таъминлади. Илгари Туркистонда битта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди. Ҳозир Ўзбекистонда 32 олий ўқув юрти бўлиб, унда 72 мингга яқин киши таълим олмоқда. 102 та техникум ва ўрта махсус ўқув юртларида 130 мингдан ортиқ киши ўқимоқда. Ҳозирги кунда республикамиз олий ўқув юртларида, илмий муассасаларда, техникум ва ўрта мактабларда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида»ги тезисларини баланд руҳ билан муҳокама қилмоқдалар ва ўзларининг амалий таклифлари билан чиқмоқдалар.

Партиямиз раҳбарлигининг олий принципи раҳбарликдаги коллективчиликдир. КПСС XX съездида партия ҳаётининг ленинча нормалари тамомила тикланди. Партиямиз ва унинг ленинчи Марказий Комитетининг бутун фаолияти коллектив раҳбарликнинг олий ифодаси бўлиб, халқ оммасининг активлигини беқиёс даражада кучайтирмоқда, коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида халқнинг ижодий ташаббусини оширмоқда.

В. И. Ленин бирорта катта тарихий воқеа ҳам кенг меҳнаткашлар оммасининг актив иштирокисиз бўлиши мумкин эмас деб уқтирган эди. Партиямиз сўнгги 2-3 йил ичида давлат аҳамиятига эга бўлган бир неча муҳим масалаларни халқ муҳокамасига қўйди. Бу эса кенг меҳнаткаш омманинг давлат ва хўжалик ишларига янада кенгроқ қатнашишини таъминлади.

Умумхалқ муҳокамасига қўйилган СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари партия ва совет халқининг ҳаётида жуда катта воқеадир. Етти йиллик план илгари сурган буюк вазифалар кенг меҳнаткашлар оммасининг коммунистик онгини янада оширишни, кадрларимизни, барча совет кишиларини маркса-ленинча тарбиялашни кучайтиришни талаб этади. Партия марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантира бориб, даври ўтиб кетган эски иш форма ва методларига ёпишиб олган кишиларга қарши, консерватизм билан заҳарланган ва партия ленинча бош йўлининг амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган кишиларга қарши қатъий кураш олиб бормоқда. Ҳаммага маълумки, Маленков, Каганович, Молотов, Булганин ва уларга қўшилган Шепиловнинг партияга қарши группаси партиянинг кўпгина муҳим қарорларига, КПСС XX съездида қабул қилинган сиёсий йўлга қарши ва партиянинг раҳбарлик ролига қарши кураш олиб борди, фракциячилик, нифоқчилик хатти-ҳаракати йўлига ўтди. Партиямиз ўз вақтида уларни йўлдан супуриб ташлаб, ўз сафларининг ленинча бирлигини янада мустаҳкамлади. Партиямизнинг кўрган жиддий тадбирлари натижасида сўнгги йилларда 36 миллион гектар қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши ва у ерлардан 100 миллионларча пудлаб ғалланинг олиниши, партиямиз бош йўлининг тамомила тўғрилигини исботлади.

Сўнгги йилларда КПСС Марказий Комитетининг қатор Пленумлари бўлиб ўтди ва бу Пленумларда муҳим қарорлар қабул қилинди. Булар: саноатни ва қурилишни бошқаришни қайта ташкил қилиш; колхоз тузумини янада ривожлантириш ва МТСларни қайта ташкил қилиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг янги нархларини белгилаш тўғрисида, химия саноатини ва химия маҳсулотини кўпайтириш тадбирлари тўғрисида ва ниҳоят етти йиллик планнинг контроль рақамларини муҳокама қилган ноябрь Пленуми қарорларидир.

Мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида эришилган ютуқларнинг катта қисми совет олимлари, чинакам халқ зиёлилари ҳиссасига тушади. Олимларнинг математика, механика, физика, химия, электроника, автоматика, биология соҳаларидаги жуда катта муваффақиятлари халқ хўжалигини янада ривожлантириш имконини берди. Инсон ақлининг буюк ютуғи бўлган Ер сунъий йўлдошларининг учирилиши, қитъалараро баллестик ракеталарнинг вужудга келтирилиши, 600 минг киловатт электр энергия берадиган атом электростанциясининг юз минг киловатт қувват берадиган биринчи навбат қисмининг ишга туширилганлиги совет фани мисли кўрилмаган даражада ривожланганидан ёқол далолат беради.

Коммунистик партия коммунистик қурилишнинг улуғвор программаси бўлган СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамларини ишлаб чиқишда бу планларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти бўлган халқ ижодий ғайратининг битмас-туганмас кучларига мурожаат қилади.

КПСС раҳбарлигидаги қаҳрамон совет халқи партия XXI съездини халқ хўжалигининг барча тармоқларида ижодий активликни ғоятда кучайтириш билан кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

М. КАМОЛОВ.

КПСС XXI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

Чўл чекинмоқда

Валентина ўрта мактабни тамомлагач, кўп ўйланиб турмади. У ўз тенгқурлари қатори партия Чақириғига жавобан чўлни бўйсундириш учун бошланган умумхалқ ҳаракатида актив иштирок этиш учун Янгиерга келди. Ҳозир Валентина мустақил равишда шаҳардаги бўлажак улкан биноларнинг ғиштини термоқда. Суратда: «Промгражданстрой» трестига қарашли 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг энг яхши ғишт теруvчиси Валентина Антонико иш устида.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

✦ 1956 йилнинг ноябрь ойида Урсатьевск станцияси яқинидаги 58-разъездга қурувчиларнинг биринчи отряди келди. 14 ноябрь куни Тошкент-Термиз трассаси ёқасида янги шаҳарнинг биринчи бинассига пойдевор қўйилди.

✦ Ҳозирги вақтда Янгиер шаҳрининг умумий ҳажми 79 минг квадрат метрдан иборат.

✦ Агар 1956 йилнинг иккинчи ярмида ҳаммаси бўлиб Мирзачўл массивида 3 миллион кубометр тупроқ ишлари бажарилган бўлса, 1957 йилда 27 миллион 548 минг, 1958 йилнинг ўтган ўн ойи ичида эса 29 миллион 752 минг кубометр ҳажмда тупроқ ишлари бажарилди.

✦ Янги ерларни ўзлаштиришда, канал ва коллекторлар қазишда, шунингдек жуда кўп гидротехника иншоотлари қурилишида 150 дан ортиқ турли маркадаги қудратли экскаваторлар, 300 дан кўпроқ бульдозер ҳамда С-80 тракторлари, 1100 та бортли ва самосвал автомашиналари ишлаб турибди.

Шаҳримизнинг бугунги кўрки

Мен бу ерга 1956 йилнинг 15 октябрида келганман. У вақтлар Янгиер шаҳрининг ўрнида шўрхок чўлдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Дастлабки ойларда барча қурувчилар ва механизаторлар яшил палаткаларда истиқомат қилдилар. Лекин улар қийинчиликдан сира қўрқмадилар. Бу ерга партия Чақириғи билан келаётган ҳар бир киши ўз йўлида катта қийинчиликларга дуч келишини яхши билар эди. Шунинг учун ҳам белни маҳкам боғлаб, енгни шимариб чўл бағрида янги шаҳар бунёд қилишга киришдик.

Ҳаммамиз қилаётган ишимизнинг натижаси жуда катта бўлишини билардик. Ростдан ҳам орадан бир ярим-икки йил ўтгач, бу ерларнинг қиёфасини ўзимиз ҳам танийолмай қолдик. Кенг кўчалар, уларнинг икки томонида тизилган муҳташам бинолар, ниҳол дарахтлар буларнинг ҳаммаси шаҳримизнинг бугунги кўркидир.

Ҳозирги вақтда шаҳримизда катта-кичик 600 дан ортиқроқ турар-жой, маданий-маиший бинолар қад кўтариб турибди. Ҳар бир ғишт теруvчи, сувоқчи ва дурадгор, крончи ҳамда бетончи ўзининг меҳнатидан мамнун. Уй-жой биноларининг сони ойлар, кунлар эмас, соат сайин кўпайиб бораётир. Совет ҳукумати ва Коммунистик партия чўл бағрида тикланаётган Янгиерни янада обод ва кўркам қилиш учун барча имкониятларни яратмоқдалар. Мамлакатимизнинг турли томонларидан ҳисобсиз бинокорлик материаллари, қудратли механизмлар тинимсиз келиб турибди.

Бригадамизнинг аъзолари қурилаётган биноларнинг мустаҳкам ва сифатли бўлиши учун астойдил меҳнат қилаётирлар. Чўлни ўзлаштираётган азамат механизаторларга янада кўпроқ уй-жойлар қуриб бериш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Бинокорларимиз яқинда тўртта икки қаватли олти квартиралик ҳамда еттита бир қаватлик уй-жой биноларини қуриб, меҳнаткашларга топширдилар. Биз ана шу биноларни олти ой ичида қуриб тамомлашга муваффақ бўлдик. Бригадамизнинг ҳар бир аъзоси қиш шароитида ҳам ишнинг сифатини пасайтирмасдан меҳнат қилишга бел боғлаган. Коллективимиз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тўртинчи XXI съезди очилиши кунини бундан ҳам каттароқ меҳнат кўрсаткичлари билан кутиб олишга аҳд қилди.

Ҳ. АСҚАРОВ,
шаҳар қурилиш трестининг арматурачилар бригадаси бошлиғи.

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш жадаллаштирилмоқда

«Янгиерводстрой» трестининг бошлиғи ўртоқ Ш. АИТМЕТОВ билан суҳбат

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1956 йил 6 августда «Мирзачўлнинг қўриқ ва бўз ерларини ўзлаштириш тўғрисида» чиқарган қарори Мирзачўлни комплекс ўзлаштириш тарихида янги саҳифа очди. Қарорда 5-6 йил ичида Мирзачўлнинг Ўзбекистон қисмидаги қўриқ ва бўз ерлардан яна 200 минг гектарини ўзлаштириш, янги очилган ерларда 34 та совхоз ва бир қанча пахта тозалаш заводлари ташкил этиш перспективаси белгилаб берилди.

Трестимиз ташкил этилганидан буён қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳамда Мирзачўлдаги ирригация тармоқларини қуришда бир қатор муваффақиятларни қўлга киритди. Ўтган қисқа вақт ичида «Дружба», «Фарҳод», «Социализм», «Гулистон» сингари янги ташкил этилган совхозларнинг 14 минг гектардан кўпроқ қўриқ ва бўз ерларини планировка қилиб бердик. Ҳозирги вақтда ана шу ерларда «оқ олтин» ҳосили етиштирилмоқда. Бу ерлардан ташқари юқоридаги совхозлар жойлашган территориялардаги илгари ўзлаштирилган, лекин яроқсиз бўлиб қолган 20 минг гектардан кўпроқ ерларни ҳам агротехника қоидаларига жавоб берадиган даражада текислаб бердик. Шундай қилиб, ўтган икки йил мобайнида 34 минг гектар ерни пахта майдонларига айлантирдик.

Кейинги вақтларда Мирзачўлнинг қўриқ ва бўз ерларини ўзлаштириш юзасидан илгари белгиланган программага баъзи ўзгаришлар киритилди. Бундан бир ярим йил муқаддам иш фронти ҳаддан ташқари кенгайтириб юборилган эди. Бу ҳол планировка техникасидан унумли фойдаланиш имконини бермасди. Ихтиёримиздаги механизация воситалари сочиб юборилиб, қўриқ ва бўз ерларни комплекс равишда ўзлаштиришни бирмунча қийинлаштирарди. Шунинг учун мутахассислар Ўзбекистон ҳукуматининг топшириғига биноан, қўриқ ва бўз ерларни айрим группаларга бўлиб, навбатма-навбат очиш ҳамда уларни сифатли планировка қилиб, шу йилнинг ўзидаёқ экин майдонларига айлантириш чорасини кўрдилар. Бу тадбир, биринчидан, мавжуд техника ва ишчи кучларидан дуруст фойдаланиш имконини берди, иккинчидан, ўзлаштирилган ерлардан шу йилнинг ўзидаёқ пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришда фойдаланишни таъминлади.

Мирзачўл массивининг марказида 2 та йирик тажриба намунали пахтачилик совхозлари ташкил этилаётир. Буларнинг бири Янгиер шаҳридан 35 километр шимолроқда қурилмоқда. Ҳозирги вақтда бу ерда асосан уй-жой биноларини қуриш ишлари авж олдирилган. Янги йилдан бошлаб бу совхознинг қўриқ ва бўз ерларини очишга киришамиз. Олдимизда ғоят катта вазифа турибди. Лойиҳага кўра, бу ерда 10 минг гектар ер ўзлаштирилиши лозим. Планировкачиларимиз бўлажак бу йирик хўжаликнинг ерларини ўлчаб, уларни йирик карталарга ажратаётирлар. Чертёж ишлари тугатилган заҳотиёқ, механизаторларимиз қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга киришадилар.

Коллективимиз ана шу катта ва масъулиятли вазифани 1959 йилнинг охиригача тугатиш мақсадида зўр тайёргарлик кўраётир.

Бинокорлар

Чор атрофда кўз иладиган бирор нарса кўринмайди. Фақат қаршимизда қорли чўққилари кўк билан туташиб кетган Туркистон тизмасигина шу азим чўлнинг ҳам охири борлигидан нишона беради. Ҳамроҳимиз, «Главголодностепстрой» Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Дмитрий Константинович Терсицкий Янгиердан чиққанимиздан бери Мирзачўлнинг ўтмишини таърифлайди. Бу кекса олим — республиканинг кўзга кўринган ирригатори, ростдан ҳам чўл тарихини ипидан игнасигача билар экан.

Машина «Қизил чорвадор» совхозининг чўпонлар овулидан ўтиб вагон-уйга яқинлашди. Бу ерда бўлажак янги совхознинг ерларини очиш ҳамда ирригация тармоқлари вужудга келтириладиган участкаларни аниқлаш билан шуғулланаётган инженерлар туришар экан. Лекин вагон-уйда ҳеч ким йўқ эди. Инженерлар участкаларда бўлса керак. Дмитрий Константинович бу ерларнинг келажаги тўғрисида завқ билан сўзларди:

— Мана шу ерда янги район маркази ташкил этилади. Ҳув анави белгини кўраяпсизми, яна бирор ойдан кейин келинг, бу ерларда муҳташам биноларнинг қад кўтариб қолганлигини кўрасиз. Ҳозир биз турган жойдан марказий кўча бошланиб, жанубга томон чўзилади. — у, ён сумкасидан ранг-баранг бўёқлар билан чизилган картани олиб кўрсата бошлади, — мана бу белгилар пахта заводлари қурилишини билдиради. Сиз ишонқирамаётганга ўхшайсиз. Яна 4-5 йилдан сўнг бу ер ҳозирги Мирзачўл шаҳридан ҳам обод бўлади. Бунга мен қаттиқ ишонаман. Негаки, бизнинг бинокорларимиз чинакам мўъжизалар яратмоқдалар. Шошмай туринг, ҳали 5-совхоз посёлкаси қурилаётган жойга борганингизда, гапларимга ишонч ҳосил қиласиз. Мен ҳам бундан 55 йил муқаддам шу чўлга биринчи бор қадам қўйганимда юрагим орқамга тортиб, устоз олимларнинг гапларига ишонмаган эдим. Ахир, ўша вақтларда Самарқанд ва Бухорони Тошкент билан боғлайдиган бу йўлда фақат иккитагина карвонсарой бор эди-да. Бир томчи сув одамнинг жонидан ҳам азиз эди.

Шундан сўнг посёлка қурилаётган жойга қараб кетдик. Асфальт йўлдан шу қурилиш томон бораётган автомашиналарнинг кети узилмайди. Қайбирида ғишт, тахта, шағал, қайбирида турли хил механизмлар ортилган. Посёлкага етиб келганимизда қуёш ғарбга томон оғиб қолган эди. Бинокорлар ишни авж олдирган эканлар. Бу ерда 5-6 бино тикланиб, қолган йигирма-ўттизининг деворлари кўтарилиб, томлари ёпилаётган экан.

— Ҳорманглар энди, — дедик биз уйга эшик ўрнатаётган дурадгорларга ақинлашиб, — қурилиш участкаси бошлиғи шу ердами?

— Менман, — деди улардан бири бизга қараб.

Бу, ёш инженер-бинокор Абдулла Ҳорунов эди. У, ўтган йилнинг баҳорида Тошкентдаги қайсибир трестдан бу ерга келган. Абдулланинг юзи шамолдан қорайган, лаблари эса ёрилиб кетган эди. У, ишнинг бориши, қурувчи азамат йигитларнинг гайрати тўғрисида гапириб берди:

Ҳозиргача 6 та котедж, 2 та ётоқхона ва бинокорлик материалларини сақлайдиган склади қуриб фойдаланишга топширдик. Яна бетончиларимиз 23 та бинога пойдевор қўйдилар. Ҳар ҳолда ишимиз чакки эмас.

Сўнгра у, бинокорлик материаллари етказиб бераётганлар устидан шикоят ҳам қилди. Чунончи, иш айни авжига чиққанида ғишт самосвалларда эмас, бортли машиналарда келтирилибди. Ғиштни тушириш учун беш-олти нафар бинокор куни билан банд бўлиб қолишибди. Сўзининг охирида Абдулла Дмитрий Константиновичга мурожаат қилиб: «Иложи бўлса, яна бир бинокорлар бригадасини юборсангиз, иш фронти анча кенгайиб кетди» деди. Дмитрий Константинович участка бошлиғининг эътирозларини блокнотига ёзиб олди.

Совхоз посёлкаси қурилишида ҳаммаси бўлиб бир юз-у ўн бинокор йигит-қиз ишлар экан. Уларнинг кўпчилиги комсомол аъзолари бўлиб, ишлаб чиқаришда намуна кўрсатаётирлар. Галя Сомова, Ҳаким Амираliев, Владимир Белоногов, Олтиной Хўжаниёзова сингари комсомол-ёшлар ғишт теришда, бетон ётқизишда смена нормаларини муттасил икки ярим-уч баравар бажараётган эканлар. Уларнинг меҳнатда чинакам қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб ишлаётганликларини кузатдик. Бу меҳнатсевар йигит-қизларнинг ҳар бирини буюк чўлни забт этаётган ҳақиқий қаҳрамон деса бўлади!

Ўзбекистон қўриғини айланиб юриб, бу ерларнинг соат сайин ўзгариб бораётганлигини, совет кишиларининг чиндан ҳам мўъжизалар яратаётганликларини кўриб қувондик.

А. АБДУАЗИМОВ.

Суратда: «Янгиергорстрой» трестига қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг илғор қурувчиларидан бир группаси (чапдан ўнгга): Анна Кузьмина, Александра Белова, Олтиной Хўжаниёзова, Ҳошим Алиев, Надя Кузьмина, Валерий Говоров, Валентина Кузьмина, Анатолий Васос ва Нина Богомолова ўртоқлар. В. Салов фотолари.

Муносиб тортиқ

Биз Янгиер шаҳридан 25-30 чақирим нарида — жанубий Мирзачўл канали қурилишида ишлаб турибмиз. Бригадамиз уч сменага бўлинган. Қадамловчи экскаваторнинг қувватидан яхши фойдаланиш учун ана шу тартибни жорий қилганмиз. Биз қураётган бу йирик сув иншоати тўғрисида жуда кўп нарсалар ёзилган. Шундай бўлса ҳам мен ана шу гигант канал ҳақида бир-икки оғиз гапириб бермоқчиман.

Жанубий Мирзачўл каналининг узунлиги 89 километр бўлиб, эни 70 метр ва чуқурлиги эса 8 метрдан ортиқроқдир. Катта бу сунъий дарёнинг қурилиши Мирзачўлни комплекс ўзлаштириш программаси билан чамбарчас боғлиқдир. Канал Мирзачўлнинг шарқи-жанубий қисмидан ўтади ва янги ўзлаштириладиган 90 минг гектардан кўпроқ ерларга сув беради. Бу каналнинг тезроқ қуриб битказилиши бошқа ирригация тармоқларини барвақтроқ фойдаланишга топшириш имконини берди. Масалан, эски Боёвут каналидан насос станцияси орқали катта бўзга сув чиқарилиши «Фарҳод» совхозининг юқори қисмидаги жуда кўп янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш перспективасини очди.

Биз қураётган канал чўлни боғу бўстонга айлантиришда, айниқса Янгиер шаҳри ва унинг атрофидаги ишчи посёлкаларини ободонлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам канал қурилишида иштирок этаётган барча механизаторлар-экскаватор машинистлари, бульдозерчи ва шоферлар чўлнинг ҳаёт томири бўлган ана шу канални муддатидан илгари қуриб битказишга ҳаракат қилаётирлар.

Ҳозирга қадар жанубий Мирзачўл каналининг 80 километри қуриб битказилди. Бу ишда бригадамиз аъзоларининг ҳам катта ҳиссаси бор. Коллективимиз биргина шу йилнинг ўтган ўн ойи ичида белгиланганидан 330 минг кубометр кўп тупроқ ишларини бажардилар. Йил охиригача яна планга қўшимча равишда 170 минг кубометр ер ишларини бажаришга аҳд қилганмиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ Мингли Қозоқбоев, Иван Згонников, Петр Ивашченко бошлиқ экскаваторчилар бригадаси аъзолари социалистик мажбуриятларини бажариб қўйдилар. Бу муваффақиятларимиз жонажон партиямизнинг XXI съездига кичик бир тортиқдир.

А. ТРУБНИКОВ,
«Янгиерводстрой» трести 5-қурилиш-монтаж бошқармасининг экскаватор машинисти.

Республикамизнинг кенжа шаҳри

А. ВАҲОБОВ,
Янгиер шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси

Шу йил октябрь ойининг бошларида Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларидан бир группаси шаҳримизни келиб кўрдилар. Улар шаҳарнинг чиройлик кварталларини, маданий-маиший муассасаларини, саноат корхоналари ва қурилишларни тамоша қилиб келгач, бир неча соат давомида биз билан суҳбат қурдилар. Ўшанда ҳиндистонлик ёзувчи бизга мурожаат қилиб:

— Кўчаларингизга жуда яхши дарахтлар ўтқазибсиз. Назаримда бу ниҳолларнинг ўтқазилганига 7-8 йил бўлганга ўхшайди, айримларининг бўйи қўшқаватли бинолардан ҳам ошиб кетибди.

— Ҳа, бу дарахтлар улгайгач, жуда ҳам кўркам бўлиб кетади. Уни бизда дуб деб аташади, — жавоб берди унга ёзувчи Константин Симонов.

— Бу дарахтларнинг ўтқазилганига 8 йил эмас, балки 8 ой бўлди, — дедим мен, — дарвоқи, ҳалигина Сиз сайр қилиб чиққан шаҳримизнинг бунёд бўлганига ҳам энди икки йил бўлди, холос. Бундан икки йил муқаддам ҳозир Сиз меҳмон бўлиб турган жойнинг ўрни ҳувиллаб ётган чўл эди.

Чет эллик ёзувчи дўстларимиз Янгиернинг нақадар тез суръатлар билан тикланаётганлигини эшитиб, ҳайрон бўлдилар. Биз уларни шу азм чўлнинг гулистонга айлантирилган боғ-роғларида етиштирилган узум, шакардек қовун-тарвуз, олма-апор билан ясатилган дастурхонга таклиф этдик. Меҳмонлар ана шу нозик-неъматларнинг ҳам Мирзачўлда битганига зўрга ишондилар. Бу табиий эди, ахир бу жойлар улларнинг тасаввурида гиёҳ ўсмас бир саҳро эди-да. Мана энди улар бу жойларни ўз кўзлари билан кўриб, совет кишиларининг яратувчилик қобилиятига, сабот ва матонатига қойил қолдилар.

Зотан четэлликларгина эмас, балки бу ёқларга йўли тушган ҳар бир совет киниси ҳам республикамизнинг кенжа шаҳри Янгиернинг нақадар тез бунёд бўлганлигидан ҳайратда қолади. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Мирзачўлнинг қўриқ ва бўз ерларини экинзорларга айлантириш, бу воҳани ўлкамизнинг энг гўзал жойларидан бирига айлантириш учун доимо ғамхўрлик қилиб келмоқдалар.

КПСС XX съезди Директиваларида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг Мирзачўл қисмида йирик пахта базасини вужудга келтириш программаси чизиб берилди. Партия саноатни ҳомашё базасига яқинлаштириш мақсадида Мирзачўлнинг марказида Янгиер шаҳрини тиклашни зарур деб топди. Ана шу тарихий қарорнинг турмушга тадбиқ қилина бошлаганига 2 йилдан кўпроқ вақт ўтди.

1956 йилнинг кузида Тошкент-Термиз трассаси ёқасида Янгиер шаҳрининг биринчи биносига пойдевор қўйилди. Ўша кезларда бинокорлик ишларини олиб бориш учун материал-техника базаси ва айниқса ишчи кучи етишмас эди. Жонажон Коммунистик партия ҳар галдагидек яна совет кишиларининг ғайрат ва шижоатига суянди, халққа мурожаат қилди. Партия Чақиригига совет кишилари ҳар сафардагидек бу гал ҳам лаббай деб жавоб бердилар. Мамлакатимизнинг яқин ва узоқ ўлкаларидан Ўзбекистон қўриғини ўзлаштиришда қатнашиш учун жуда кўп ватанпарвар комсомол-ёшлар, коммунистлар келдилар. Чўлнинг оғир қиш шароитига қарамасдан улар совет кишиларига хос қаҳрамонлик билан уй-жой биноларини тиклашга, материал-техника базасини вужудга келтиришга киришдилар.

Орадан бир йил ўтгач, яъни 1957 йилнинг биринчи ярмидаёқ шаҳарнинг дастлабки кварталлари тикланди ва қурувчи ҳамда механизаторлар ўзлари қурган шинам биноларга кўчиб кирдилар. Тез орада яшил палаткалар ўрнида муҳташам қўлқаватли бинолар; маданий-маиший муассасалар ва ҳатто бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари қад кўтарди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ чўл бағрида вужудга келган шаҳарга Янгиер деб ном берилди. Шаҳар ободончилиги учун йилига неча ўн миллионлаб маблағ ажратилаётир.

Шаҳарда уй-жой бинолари қурилишининг ўсиши.

«Главголодностепстрой» Бош бошқармасининг азамат бинокорлари ва механизаторлари томонидан қилинган ишларнинг чеки йўқдек кўринади. Шуни айтиш кифояки, партия XX съездидан сўнг Мирзачўл массивида юз минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Агар 1957 йилнинг охирларигача Янгиер шаҳридаги уй-жой фонди ҳаммаси бўлиб 16 минг квадрат метрни ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтда унинг ҳажми 79 минг квадрат метрга етди.

Республика давлат лойиҳалаш институти архитекторлари томонидан шаҳарнинг генерал плани ишлаб чиқилди. Ана шу проект асосида шаҳарнинг жануби-шарқий қисмида асосан уй-жой кварталлари, шимолий-ғарбий қисмида эса саноат корхоналари, материал-техника базалари қурилаётир. Шаҳарни кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам кенг миқёсда олиб борилаётир. Ҳозирга қадар Янгиер шаҳри кўчалари ҳамда хиёбонларига 150 минг тупдан кўпроқ турли хил дарахтлар ўтқазилди. Лойиҳага кўра, шаҳар «кўк ҳалқа» билан ўраб олинади. Бу тадбир шаҳарни кучли шамол ва бўронлардан тўсиш, чўл иқлимини ўзгартиш имконини беради.

Айни вақтда Янгиер шаҳрида турли миллат вакилларидан 10 мингдан кўпроқ бинокор ва механизаторлар истиқомат қилиб турибдилар. Меҳнаткашларнинг маданий-маиший талабини тўла қондириш депутатларимизнинг муқаддас ишидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир депутат меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик билан қулоқ соладилар. Кейинги икки йил ичида шаҳардан ортиқ қишки ва ёзги кинотеатр, 14 та клуб, меҳмонхона, бир нечта ошхона ҳамда чойхоналар, шунингдек йирик мактаб-интернат, касалхона ва туруқхона, поликлиника, ўнлаб озиқ-овқат ҳамда саноат моллари магазинлари қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Янгиер шаҳрини йирик саноат марказига айлантириш учун алоҳида эътибор бераётирлар. Мирзачўл массиви тўла ўзлаштирилгандан сўнг, пахта етиштириш ҳам кўпаяди, албатта. Шунинг учун Янгиерда йирик пахта заводлари қуриш, маҳаллий саноат корхоналарини вужудга келтиришга жуда катта тайёргарлик кўрилаётир. Шу кунларда Янгиерда ҳозирги замон техникаси билан қуроллантирилган йирик пахта заводи қурилаётир. Шу билан бирга шаҳарда бундан бир ярим йил муқаддам қурилиб, ишга туширилган бетон заводининг ишлаб чиқариш қувватини 3-4 баравар ошириш тадбирлари кўрилаётир.

Вақт ўтиши билан шаҳримиз тобора кенгаяверади. Яқин 10-15 йилдан кейин аҳолининг сони 2-3 баравар кўпаяди. Бинобарин шаҳар саноатининг бошқа соҳаларини ҳам ривожлантириш перспективаси очилади. Масалан, бу ерда йирик тўқимачилик саноати корхоналари қурилиши планлаштирилган.

Янгиер меҳнаткашлари жонажон партиямизнинг XXI съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, ҳар қачонгидан ҳам ғайрат ва шижоат кўрсатиб ишламоқдалар. Улар катта воҳанинг марказида қад кўтарган ўз шаҳарларини янада обод ва кўркам қилиш учун меҳнатда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатаётирлар.

Янгиер шаҳрида водопровод минораси қурилиши тамом бўлай деб қолди. Суратда: смена топшириғини муттасил 150 процентга етказиб бажараётган моҳир пайвандчи ўртоқ Н. Федосеев иш устида.

Театр ходимларининг республика ижодий конференция-семинари

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Ўзбекистон ССР Театр жамияти, Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи, СССР Маданият министрлиги, СССР Рассомлар союзи ва Бутунроссия Театр жамияти Тошкентда театр ходимларининг республика ижодий конференция семинарини ўтказади. Конференция-семинар 27 ноябрдан 2 декабргача Округ Офицерлар Уйи биносида ўтказилади.

Бу йиғилишга юқорида номлари айтилган ташкилотлар олдидан пухта тайёргарлик кўрдилар. Конференция-семинар қатнашчилари Ўзбекистон ССР театрларида театр-декорация санъатининг аҳволи, режиссёр ва рассом, рассомнинг театрдаги роли, декорация ва костюмлар тайёрлаш, театр бутафорияси, спектаклни ёритиш ва бошқа масалаларга оид докладларни тинглайдилар. Докладлар вақтида Москва, Ленинград театрларида қўлланилаётган янги материалларнинг намуналари ва МХАТ ҳузуридаги лаборатория экспонатлари ҳам кўрсатилади. Бундан ташқари, Округ Офицерлар Уйи залларида театрлар рассомларининг ижодий ишлари ва саҳна безаклари технологиясига доир выставкалар ҳам ташкил этилади.

Пахтакорларга ёрдам

Чирчиқ саноат корхоналари ҳамда қурилишларининг коллективлари оталиқдаги колхоз ва совхозларга ёрдам кўрсатишни тобора кучайтирмоқдалар.

«Ўзбекхиммаш» заводининг ишчилари 3-«Боёвут» совхозида бир неча кун бўлиб, 11 та кўрак чувиш машинасини сифатли ремонтдан чиқардилар.

Бадиий ҳаваскорлик тўгараклари аъзолари Боёвут районидаги колхозчилар ва совхоз ишчиларига маданий хизмат кўрсатмоқдалар. «Чирчиксельмаш» заводи бадиий ҳаваскорлари якинда 3-ва 4-«Боёвут» совхозларида концерт бердилар. Химия комбинатининг миллий ансамбли тўгараги 1, 3-ва 4-«Боёвут» совхозларида ва «Коммунизм» колхозида бўлиб, механизатор ва пахтакорларга бир неча концерт қўйиб берди.



Тошкентда қиш.

А. Либсон фотоэтюди.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Украин санъаткорлари

Ўзбекистон давлат эстрада театрининг зали тамошабинлар билан тўла. Бахмал парда аста очилиб, саҳнада талантли конферанс Николай Гринько пайдо бўлади. У қардош украин халқидан ўзбек халқига алангали салом топширгач, концерт бошланганлигини эълон қилади.

Оркестр композитор Евгений Зубцовнинг «Украина» номли куйини бошлаб юборади. Саҳнадан чиққан шўх музика садоси зал бўйлаб таралади... Шундан сўнг ёш солистка Лариса Баранова саҳнага чиқади. У ижро этган «Сени кутаман», «Оқ гулларо» ва бошқа қўшиқларни залдагилар қарсаклар билан қарши оладилар. Талантли артист Светослав ижро этган қўшиқлар ҳам тамошабинларга манзур бўлди.

Концертнинг иккинчи бўлимида эстрада конкурси лауреатлари Евгений Таиров ва Окренд Лев украин ҳамда рус халқ рақсларини ижро этадилар.

Концерт охирлаб қолганида Николай Гринько саҳнага чиқади. У ижро этган сатирик номерлар тамошабинларга жуда манзур бўлади. Артист фойдали меҳнатдан, коллективдан қочиб юрувчи «маданиятли» олифталар, маишатпараст ва сохта муҳаббат эгаларини комик элементлар орқали қаттиқ сатира остига олади.

Пойтахтимизга меҳмон бўлиб келган украин давлат эстрада артистларининг ижрочилик санъатига тошкентликлар юқори баҳо бермоқдалар. Эстрада коллективи 1955 йилда ташкил этилган. Композитор Евгений Зубцов раҳбар бўлган 20 кишилик бу коллектив ўз репертуарларини рангба-ранг номерлар билан бойитгач, Иттифоқ бўйлаб гастролларга чиқа бошлаган. Жумладан у Ленинград, Рига, Таллин шаҳарларида, Қозоғистон, Озарбайжон республикалари ва бошқа жойларда бўлган.

Меҳмонлар Тошкентда 28 ноябргача бўлиб, сўнг Чирчиқ, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига бориб концерт берадилар.

А. ИНОҚОВ.

Марсда бўрон ва шамоллар

ЛЕНИНГРАД, 23 ноябрь. (ТАСС). 16 ноябрда Марс планетасининг рўпара туришини кузатиш жуда ажойиб натижалар берди, деб хабар қилди ТАСС мухбирига Ленинград обсерваториясининг директори профессор В. Шаронов. — Марс осмонининг шимол юлдуз туркумлари орқали ўтгани сабабли Ленинград кенгликларида жойлашган обсерваториялар уни кузатиш учун яхши шароитга эга бўлдилар. Марснинг ҳозирги рўпарада туриши буюк деб ҳисобланмаса ҳам, унда муҳим хусусиятлар қайд этилди.

Одатда Марсда «денгизлар» деб аталадиган ҳира масофалар яхши кўринади, бу масофалар «чўллар»нинг қизғиш фонида жуда аниқ ажралиб туради. Лекин бу сафар улар жуда ҳира кўринди. Бундай хусусият ноябрнинг ўрталарида Марсда қаттиқ бўронлар, кучли шамоллар бўлганлигини кўрсатиб туради. Планетанинг атмосфераси саргиш тусдаги туман билан қопланган ва Марс ландшафтлари ана шу туман орқали зўрга кўринар эди. Бу ҳол кучли шамоллар Марс сатҳидан чанг ва қумни тўзитиб юборганлиги сабабли рўй берди. Бу ерда бўрон ва шамоллар даври 1956 йилнинг сентябридаёқ бошланган эди. Эндиликда шуни қайд қилиш мумкинки, бу давр бир мунча танаффуслар кейин ҳозир ҳам давом этаётир.

Планетада бундай катта чанг бўлишига сабаб нима? 1956 йилги рўпарада туришни ҳисобламаганда, бундай ҳол илгари кўринмас эди. Марс атмосферасига (Ер атмосфераси сингари) қуёшдаги доғларнинг кўпайиб кетиши ҳамда унинг оловли сатҳида ривожланаётган бошқа процесслар таъсир қилади деб мўлжаллайдилар. Бу саволга ҳозирча узил-кесил жавоб бериш мумкин эмас. Қизиқтирувчи ҳодисанинг сабабларини астрономлар ҳар томонлама ўрганиб чиқишлари лозим.

СПОРТ

Сиртқи енгил атлетика мусобақасининг ғолиблари

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти марказий совети ВЛКСМ 40 йиллигига бағишлаб, мактаб ўқувчилари ўртасида сиртқи енгил атлетика ўйинлари ўтказишга қарор қилган эди. Бу мусобақа Узбекистондаги мактабларда ҳам қизғин тус олди. Спорт ўйинларида республика бўйича ҳаммаси бўлиб 5 мингга яқин пионер дружинаси қатнашди.

Якинда мусобақа якунлари кўриб чиқилди. Енгил атлетиканинг тўрт тури: 60 метрга югуриш, баландлик ва узунликка сакраш, копток иргитиш бўйича бўлган куч синашувларда Тошкентдаги 69-мактаб дружинаси энг кўп—3 минг 751 очко тўплаб, республика биринчилигини олди. Хива шаҳридаги Ҳамза номли мактабга иккинчи ва Тошкент шаҳридаги 55-мактабга учинчи ўрин берилди.

Дастлабки уч ўринни олган дружиналар Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

С. ҚУҚОНБЕКОВ.

Шарафли иш

Тошкентдаги 118-болалар боғчаси... Ҳар кунгидек болалар дам олиб ухлаб тургач, ўйнаш учун майдончага чиқдилар. Бир тўп болалар белкурак билан қум ўйнаса, 3-4 бола велосипед миниш билан овора. Кубиклардан уй ясаётган болалар ҳам ўйинга роса берилишган. Фақатгина уч ёшли Наташа Буреш ўйинга аралашмай четда турар эди. У зангор рангли панжара якинига келиб, кўчадан гизиллаб ўтаётган троллейбус, машина ва йўловчиларни қизиқиб тамоша қиларди. Кўчадаги тинимсиз ҳаёт Наташани ўзига тортди. У аста-секин эшикка томон юриб, кўчага чиқди...

Худди шу пайтда старший сержант Нурматов иш вақти тамом бўлиб уйга қайтаётган эди. Наташа тўғрисидаги гапдан унинг хабари йўқ эди. У магазин витринасидаги ўйинчоқларни тамоша қилиб турган бир қизчани кўриб қолади. Олдин бепарво ўтиб кетаверди. Ун қаламча юргач, ўйланиб қолди: «Енида ҳеч ким йўқ бу ёш қизча тағин адашиб қолган бўлмасин». Нурматов қайтиб келиб, қизчани бошидан-оёқ кузатди. У ўйинчоқлардан кўз узиб сержантга қаради.

— Ўйинчоқлар яхши эканми, ҳавасинг келяптими? — деб сўради Нурматов илиқ жилмайиб. — Сотиб олиб берайми?

Орадан ярим соат ўтгач, шаҳар бўйича навбатчилик қилаётган милиция ходими ҳузурига икки аёл кўз ёши билан кириб келди. Буларнинг бири Наташанинг онаси Галина Дмитриевна Буреш ва иккинчиси боғча тарбиячиси Любо Боташова эди.

— Кўп қайғираверманглар, Наташани топамиз! — деди милиция капитани навбатчи Войтенко, воқеадан хабардор бўлгач.

Войтенко Наташанинг белгиларини сўраб олгач, телефон орқали шаҳардаги ҳамма милиция бўлимларига хабар қилди.

Бир миллион аҳолиси бўлган катта шаҳарда эсини танимаган уч яшар қизчани топиш осон дейсизми? Лекин милиция ходимлари ўйлаб ўлтиришмади. Мотоцикл ва машиналар шаҳарнинг турли томонларига қараб учди. Улар учраган ҳар бир қизчани диққат билан кўздан кечириб, суриштира бошладилар. Шаҳардаги ҳамма шифохоналар ва болалар хоналаридан сўралди. Наташадан дарак топилмади.

Қизчанинг кўзида севинч учқунлари порлади.

Нурматов олиб берган ўйинчоқни қизча маҳкам бағрига босиб, кўтариб олди. Энди у милиция ходимидан тортинмай, барча саволларига жавоб бера бошлади. Нурматов бу қизчанинг оти Наташа эканлигини, «шаҳарни тамоша қилиб» юрганини билиб олди. У қизчани ўзи хизмат қиладиган 11-милиция бўлимига олиб келиб, воқеадан шаҳар бўйича навбатчини хабардор қилди. Орадан ўн минут ўтар-ўтмас капитан Войтенко Галина Дмитриевнага кўзининг оқ-қораси Наташани соғ-саломат топширди. Ўзида йўқ хурсанд бўлган она шу милиция ходимларига чексиз раҳматлар айтди (биринчи сурат).

Она ва боланя кузатгач, Войтенко жойига ўлтириб стол устидаги когозларни саранжом қила бошлади. Телефонлар жиринглаб турибди. Тошкентдек катта шаҳарда рўй бериш табиий бўлган майда-чуйда воқеалар тўғрисида милиция бўлимлари хабар қиладилар.

Бирдан навбатчининг юзи жиддий тус олди.

— Қаерда? Апанасенко 13? Қулфни синдирибдими?

Орадан сал фурсат ўтгач, терговчи оператив вакил, илмий-техника бўлимининг эксперт ходими ва ўргатилган ит ҳамда инструктор тушиб олган милиция машинаси воқеа содир бўлган жойга қараб кетди.

— «Дон», иска! — деди инструктор, млашшй лейтенант Алексей Петрович Семенюта. Сезгир ит худди шу буйруқни кутиб тургандек, Алексейни ўз орқасидан эргаштириб, майдоннинг нариги томонига қараб юра бошлади ва эшик олдида тўхтади.

Ўрта ёшлардаги, юзлари сўлқиган бир киши ичкаридан чиқди.

— Ким керак? — деди у оператив вакил Файзиевга қўрслик билан.

— Сиз кераксиз, гражданин Одишев, — жавоб берди хотиржамлик билан Файзиев ва унга яқинлашди. Шу вақт илмий-техника бўлимининг эксперт ходими Людмила Ивановна Белоусова ўғирлик содир бўлган жойни синчиклаб кўздан кечириб, қулфдаги бармоқлар изини ўргаимоқда эди.

— Мана жиноятчининг изи ҳам топилди, — деди Людмила Ивановна зўр ишонч билан (иккинчи сурат). Бармоқ излари солиштирилганда Одишевнинг жиноятчи эканлигига шубҳа қолмади. Жиноятчи ҳам бошини қуйи солиб, машина томон юра бошлади. Шу орада толмас «Дон» усталик билан беркитиб қўйилган ўғирлик бу-юмларни топди. Буюмлар шу ернинг ўзида қонуний эгасига қайтарилди.

Кеч кириб шаҳар кўчалари, сквер ва майдонларга қоронғулик чўка бошлади. Орадан бир неча соат ўтгач, кўчалар тинчиб қолди. Уйлардаги сўнгги чироқлар ҳам ўчди. Шаҳар уйқуда...

Аммо шаҳар бўйича навбатчи мижжа қоқмайди. Телефонлар ҳам дам олаяпти. Бу жуда яхши. Демак шаҳарда осойишталик.

Навбатчилар наряди уйғоқ. Ходимларнинг айримлари газета, журнал ўқиш билан банд, 3-4 киши шахмат тахтаси устига тўпланишган. Лекин уларнинг ҳаммаси сергак, хизматни бажаришга тайёр туришибди. Чунки уларга улкан шаҳарнинг осойишталигини қўриқлаш топширилган.

З. АЛЬМУҲАМЕДОВ.

Н. Маркелов фотолари.

СОЦИАЛИЗМ ҚУРАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА

САНЬМИНЬСЯ ГИДРОУЗЕЛИ ҚУРИЛИШИДА

ПЕКИН. (ТАСС). Хуанхэ дарёсида Саньминься гидроузелини қурувчилар қурилишнинг энг муҳим даврларидан бирини бажаришга — дарё узанини тўсишга — мўлжалланган муддатдан бир йил илгари киришдилар.

Қирғоқлардан Хуанхэ дарёсига дастлабки тонналаб тош ағдарилди. Дарё узанини тўсиш оғир шароитда ўтмоқда. Яқинда бўлиб ўтган кучли ёмғирлар натижасида Саньминься ёнида дарё сувининг сатҳи дарёнинг шу вақтдаги одатдаги ўртача сатҳидан анча ошди. Қурувчилар коллективи Хуанхэ дарёсининг йўлини тўсиш билан ишларнинг бундан кейин муваффақиятли боришини таъминлайди. Баландлиги 100 метр бўлган бетон оқова тўғони ва 1·100 минг киловатт қувватлик гидростанция қуриш ишлари планда белгилаганича 1962 йилда эмас, балки 1961 йилда тугалланади.

БОЛГАРИЯ КЕМАЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛМОҚДА

СОФИЯ. (ТАСС). Кемасозлик — Болгария саноатининг иккинчи жаҳон урушидан кейин ривожланган янги тармоғидир.

Болгария кемаларни экспорт қиладиган бўлиб қолди. 1956 йилда Албания ва Чехословакия учун 3-5 минг тонна ҳажмли кемалар қўплаб чиқарила бошлади. Совет Иттифоқининг закази бўйича 4000 тонна ҳажмли танкерлар, кўл ва дарё баржалари қурилмоқда.

Учинчи беш йиллик (1958-1962 йиллар) Болгария кемасозлиги учун порлоқ истиқболлар очиб беради. Кемасозликнинг янада тез ривожланиши учун кемалар етказиб бериш тўғрисида СССР билан узоқ муддатли икки битим тузилиши кўп ёрдам беради. Учинчи беш йиллик халқ хўжалик планига мувофиқ, Г. Димитров номидаги кемасозлик корхонаси Болгария флоти эҳтиёжлари учун ҳамда экспорт учун 136 та кема ишлаб чиқаради, шу билан бирга бу заводнинг маҳсулоти 1962 йилда 1957 йилга нисбатан икки баравар кўпаяди.

«УМУМИЙ ЭКИШ» ДЕГАН КООПЕРАТИВ ХЎЖАЛИГИДА

ВАРШАВА. (ТАСС). Польшада биринчи коллектив деҳқон хўжаликлари ташкил этилганига 10 йил тўлади. Шчецин воеводлигидаги Канда Халқ Польшасида биринчи деҳқончилик ишлаб чиқариш кооперативларидан бири бўлган «Умумий экиш» кооперативида бундан 10 йил илгари 16 оила коллектив хўжалик ташкил этишга қарор қилган эди. Ҳозир кооперативда 50 оила ишламоқда. Бу йил Кандаги деҳқончилик ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари, дастлабки ҳисобларга кўра, бир меҳнат куни учун 30 злотий пул ва 6 килограмм ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари оладилар. Кооператив бу йил турли машиналар билан бирга уч трактор, юк автомобили, боғ бошлайдиган икки машина сотиб олди. умумий майдони 10 минг квадрат метр бўлган теплица қурди.

Кооператив аъзолари бадавлат яшамоқдалар. Кўп оилаларда мотоциклар бор, ҳар бир оилада эса иккита ва ундан ортиқ велосипед, радио, тикув машинаси, кир ювиш машинаси ва шу сингарилар бор.

Ҳозирги вақтда Польша Халқ Республикасида 1800 коллектив хўжалик бор. Бу йил мамлакатда 158 кооператив, шу жумладан сўнгги икки ой мобайнида 35 кооператив ташкил этилди.

ЧЕХОСЛОВАКИЯДА КООПЕРАТИВ ҲАРАКАТИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ПРАГА. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлигининг хабар беришича, ҳозирги вақтда Чехословакияда 12.099 бирлашган қишлоқ хўжалик кооперативи бор. Бу кооперативлар 835·299 деҳқонни бирлаштириб, 4,205,177 гектар ерни ишламоқдалар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОВҒАСИ ВСИП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ТОПШИРИЛДИ

БУДАПЕШТ, 24 ноябрь. (ТАСС). СССР нинг Венгрия Халқ Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Е. И. Громов бугун Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар ҳузурида бўлди ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг совғаси — «Владимир Ильич Ленин» номли ҳужжатли фильмни Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий комитетига топширди.

Янош Кадар Венгрия Социалистик ишчи партияси аъзоларининг номидан ана шу қимматли совға учун КПСС Марказий Комитетига самимий ташаккур изҳор қилди.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг қарорлари тўғрисида япон матбуотининг ёзганлари

ТОКИО, 24 ноябрь. (ТАСС). Япон матбуоти КПСС XXI съездида Н. С. Хрушчев қиладиган докладнинг тезисларини шарҳлашни давом эттирмоқда. Совет Иттифоқи бир неча беш йилликни муваффақият билан бажарганлиги, деб ёзади «Акахата» газетаси ўзининг бошмақоласида. ўзининг кўлами жиҳатидан жуда катта бўлган бу янги етти йиллик план ҳам тўла равишда амалга оширилажагини кўрсатиб турибди.

Сўнгра «Акахата» газетаси, Совет Иттифоқи жаҳондаги икки система ўртасида зўр бериб қуролланишни давом эттиришни эмас, балки тинч мусобақа қилишни талаб этаётганлигини кўрсатиб, етти йиллик планнинг бажарилиши СССР нинг капиталистик мамлакатлар билан тинч мусобақада галаба қозонишини таъминлайди, шунинглек бутун дунёда тинчликнинг сақланишига гаров бўлади, деб таъкидламоқда.

Токиодаги «Хитоцубаси» университети профессори Нономуранинг бугун «Йомиури» газетасида босилган мақоласида айтилдики, Совет Иттифоқининг фан ва техника соҳасидаги муваффақиятлари «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамларини» эълон қилмоқ учун замин ҳозирлади. Мақола автори, Совет Иттифоқи Ернинг сунъий йўлдошларини учирганлигини ва СССР нинг бошқа муваффақиятларини эслатиб, «совет саноат техникаси ҳайратда қолдирадиган муваффақиятларга эришди» деб ёзмоқда. Мақола автори, Совет мамлакати ўз олдига жуда катта вазифаларни қўйди ва бу вазифаларни пропаганда мақсадини кўзловчи вазифалар деб ўйлаш хато бўлур эди, дейди.

Профессор Нономура тинч мусобақада «Америка маглубиятга учрамоқда» деган хавотирлик Қўшма Штатларда тобора кучайиб бормоқда, деб ёзади.

ФРАНЦИЯДАГИ САЙЛОВЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАРИ

ПАРИЖ, 24 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда Франция Миллат маслисига овоз бериш биринчи даврасининг дастлабки якунлари эълон қилинди.

Рўйхатга олинган 27.236.491 сайловчидан овоз беришда 20.994.797 сайловчи, яъни сайловчиларнинг 77,1 процента қатнашди.

Сайловларда ўз номзодларини кўрсатган ҳамма партиялардан Франция Коммунистик партиясининг вакиллари энг кўп овоз олдилар. Улар учун 3.882.204 киши яъни барча сайловчиларнинг 18,9 процента овоз берди.

Социалистлар учун 3.167.354 овоз, ёки 15,5 процент овоз берилди.

Бир қанча реакцион партиялар ва гуруҳларни бирлаштирувчи Сустель бошчилигидаги «Янги республикани ҳимоя қилувчи иттифоқ» партияси сайловларда 3.603.958 овоз, яъни барча овознинг 17,6 процентини олди.

Москва вақти билан эрталаб соат 8 гача бўлган маълумотга кўра, фақат 41 номзод абсолют кўпчилик овозни олган ва шундай қилиб Миллат маслисига сайланган.

Франция компартиясининг органи «Юманите» газетаси сайловларнинг дастлабки якунларини шарҳлаб таъкидлайдики, «Коммунистик партия 1956 йилдагига нисбатан овозларни қисман йўқотган бўлса ҳам, у мамлакатдаги демократик кучларнинг энг қудратлиси бўлиб қолаверади».

Компартия, деб кўрсатади «Юманите» газетаси, «мураккаб сиёсий вазиятга қарамай, ана шунга эришди. Бундай мураккаб сиёсий вазиятда энг реакцион кучлар Жазоирдаги урушдан фойдаланиб, ҳужумга ўтдилар. Референдум натижалари шундай вазият вужудга келтирдики, бу вазият демократик кучларни доҳдиратиб қўйди, шу билан бирга овоз беришнинг янги системаси шу сабабли қабул этилдики, бу система бизнинг ваколатимизни камайтиришгагина эмас, балки бизлар учун берилган овозларнинг сонини камайтиришга ҳам энг кўп ёрдам беради. Бунинг устига Сустель радиоси ва миллиардерлар матбуоти биргалашиб зўр бериб ҳаракат қилдилар. Булар коммунистларга қарши пропагандани ҳар куни зўр бериб тарқатиб, мамлакатга таъсир кўрсатдилар».

Газета Франция меҳнаткашларини реакциянинг ҳужумини барбод этмоқ учун овоз беришнинг иккинчи даврасида кураш бошлашга даъват этади. (Овоз беришнинг иккинчи даврасида 30 ноябрда бўлади. Ред).

«Барча меҳнаткашлар, ҳамма демократлар, — деб таъкидлади газета, — келгуси якшанба куни компартия номзодлари учун овоз беришлари керак».

Телевидор экранида

27 НОЯБРЬ

19.30. Кичкинтойлар учун мультипликацион фильм.
19.40. Узбек тилида Фридрих Энгельс туғилган кунга бағишланган эшиттириш.
19.50. Сўнгги ахборот.
20.05. Киножурнал.
20.15. «Менинг азиз кишим» номли киноroман.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкентнинг тамоша эшиклари олдида

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/XI да **Дилором.** Дирижёр — СССР халқ артисти **Мухтор Ашрафий.** 30/XI да **Севилья сартароши.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 28, 29, 30/XI кеч соат 8 яримда **Қозон давлат филармонияси солистларининг хайрлашув гастроллари.** Халқ қўшиқчиси **Рашид Вагапов,** Бутуниттифоқ бадиий сўз усталари конкурси лауреати **Файзи Юсупов** ва бошқалар қатнашади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программа ва 50 лилипут артист иштирокида **музикали аттракцион.**

«ИСКРА» — 1 ва 2-залда **Кураш ҳали тугамаган,** 3-залда **Олтин симфония,** кеч соат 7 дан 1-залда **Сохталик.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Андрейка.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Андрейка,** кеч соат 10 да **Ҳис-туйғулар ақлни енгганда.**

1958 ЙИЛ 30 НОЯБРДА МОСКВА ШАҲРИДА 3 % ЛИ **ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИНИНГ 66-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ**

Тиражда 12 разрядга 55.802.400 сўмлик 102 минг ютуқ ўйналади.

1959 йил 1 январгача облигациялар 12-сон талон билан (ва ундан кейинги талонлар билан) сотилади. 12-сон талон 1959 йил 30 сентябрда ўтказиладиган ўн иккинчи қўшимча ютуқлар тиражида қатнашиш ҳуқуқини беради.

Бу заёмнинг облигациялари омонат кассаларда бемалол сотилади ва сотиб олинади.

3 % ли Давлат ички ютуқ заёми облигацияларини сотиб олингиз!

Тошкент область давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармаси.

Усташирин кўчаси, 72-уй, 4-квартирада турувчи **Элла Мордуховна Рабкинанинг** Қорамурт кўчаси, 152-уйда турувчи Иосиф Мойсеевич Гохлердан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 3-участка халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Совет кўчаси, 7-уйда турувчи **Виктор Данилович Корсовскийнинг** Кемеровск область, Сталинск шаҳар, Светлая кўча, 68 уйда турувчи Рея Александровна Корсовскаядан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Марказий район, 4-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими 136, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135 Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132, Секретариат — 29040, Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 09918. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-618.